201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M.K

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

6 (490) ● 2018 йил 7 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 6 февраль куни фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш, истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўтган йили бу масалаларга бағишлаб бир неча йиғилиш ўтказилди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи чоғида соҳадаги аҳвол билан бевосита танишди. Тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарор қабул қилинди.

Аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 7 ноябрдаги "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Шу каби тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. 2017 йили 1,6 миллиард шартли қадоқда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилди. Бу 2016 йилга нисбатан 34 фоиз кўпдир.

Шунингдек, ўтган йили соҳада 71 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, шундан 148 миллион долларлик 33 та объект ишга туширилди. 76 номдаги янги маҳсулот ўзлаштирилди.

Йиғилишда соҳадаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, белгиланган вазифалар ижроси қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Фармацевтика корхоналарининг аксариятида замонавий технологиялар умуман қўлланилмайди, дори субстанциялари ишлаб чиқаришга умуман эътибор йўқ, деди Шавкат Мирзиёев. Корхоналар тўлиқ циклда маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ўрнига, ҳали ҳам асосан хориждан тайёр маҳсулотларни олиб келиб, қадоқлаш билан шуғулланяпти.

Йиғилишда таъкидланганидек, мавжуд 94 та корхонадан 12 тасигина маҳсулотининг бошқа давлатларда тан олинишини таъминлайдиган GMP – "яхши ишлаб чиқариш амалиёти" халқаро сертификатига эга. Буни кенгайтириш бўйича тармоқ раҳбариятида ташаббус етишмаяпти. Оддий мисол, йиллар давомида қизилмия илдизини чуқур қайта ишлашга умуман эътибор берилмаган. Ўтган йил охирида Қорақалпоғистонга ташриф давомида топшириқ берилганидан кейингина Қизилмия етиштирувчилар ва қайта ишловчилар уюшмаси тузилди.

Бу масалани алоҳида назоратга олиш кераклиги, ҳамма фақат ёввойи қизилмия илдизини йиғиш билан шуғулланмасдан, плантацияларни ташкил этиш ва илдизни чуқур қайта ишлаб, дори субстанциялари ва воситалари ишлаб чиқаришга ўтиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳадаги аксарият корхоналар мураккаб бўлмаган, оддий формулали дори воситалари ишлаб чиқариш билан чекланаётгани танқид қилинди. Негаки, 2017 йилда соҳада ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми 34 фоиз ошгани ҳолда қиймат жиҳатдан 16 фоизга кўпайган, холос.

Маҳаллий корхоналарга импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш учун йиллар давомида қатор имтиёзлар берилган бўлса-да, ички бозордаги талабнинг 74 фоизи импорт ҳисобига қондирилмоқда.

Импорт қилинаётган 6 минг 824 номдаги хорижий дори воситасининг ярмидан кўпини мамлакатимизда ишлаб чиқариш мумкин. Лекин ҳозирда 27 фоизи ишлаб чиқарилади, холос. Онкология, гинекология, стоматологияда ишлатиладиган дорилар тўлиқ импорт қилинмоқда.

Давлат тиббиёт муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш аҳволи ҳам қониқарсизлигича қолмоқда. Аҳоли бу ислоҳотлардан қутилган натижаларни ҳали умуман сезаётгани йўқ. Буни оммавий ахборот воситаларида бирон-бир ижобий муносабат билдирилмаётганидан ҳам билса бўлади, деди Президентимиз.

Йиғилишда давлат томонидан барча имкониятлар яратилганига қарамай, бу борадаги ишларни ташкил этиш суст кечаётгани, айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолаётгани танқид остига олинди.

Хусусан, дори воситаларига эҳтиёжни аниқлаш тизими ва мавжуд эҳтиёж бўйича аниқ маълумотлар базаси яратилмаган. Жорий йилда мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш бўйича ҳали натижали иш қилинмаган.

Фармацевтика йўналишида 7 та эркин иқтисодий зонани ташкил этиш бўйича фармон қабул қилинганига 9 ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳали биронтасининг ҳудудида иш бошланмаган. Уларнинг бош режалари тасдиқланмаган, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилмаган.

Фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларининг роли умуман сезилмайди. Бугунги кунда улар томонидан ўсимлик хомашёсидан атиги 16 номдаги 1,6 тонна дори субстанцияси ишлаб чиқарилади, холос. Бундан ташқари, соҳада замонавий илғор технологияларни самарали ишлата оладиган кадрлар етишмайди.

Президентимиз бу муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича истиқболдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Дори субстанциялари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва тўлиқ циклли ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳада халқаро стандартлар ва янги инновацион технологияларни кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз ички бозорида дори-дармонлар нархлари барқарорлигини таъминлаш, улар сунъий қимматлашувининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Фармацевтикага ихтисослашган эркин иқтисодий зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ушбу зоналарни барча зарур коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Соҳада яратилаётган ишланмаларни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш мақсадида Тошкент фармацевтика институтида ўқув-илмий лаборатория ва тажриба-ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда фармацевтиканинг тор йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, соҳа ходимларини хорижий фармацевтика корхоналарида малака оширишини ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

ЎзА

Муносабат

СОҒЛОМ АЁЛ — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

Халқимиз оилани соғлом авлодни тарбиялаш, ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони, деб билади. Чунки инсон қалбида маънавиятнинг илк қуртаклари, аввало, оиладаги муҳит таъсирида намоён бўлади. Маънавият инсон онгига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси билан сингиб боради. Шу боис ҳам юртимизда аёл зотига ўзгача эҳтиром кўрсатиб келинади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки улар ҳар қандай замон ва маконда ҳам оиласига, фарзандлари тарбиясига масъул ва фидойи шахс саналади.

Президентимизнинг шу йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида хотин-қизлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ мавжуд ҳаётий муаммолар аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур амалий таклифлар белгиланган мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Фармонга кўра, 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида биттадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилмоқда.

2-бет

ЎзМТДП — устувор вазифалар

СЕССИЯ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ, ЛЕКИН УНИНГ ИЖРОСИ-ЧИ?

МАСЪУЛЛАР ҚАРОР ИЖРОСИГА БЕФАРҚ ҚАРАЁТГАНИ САБАБЛИ УЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМОҚДА

Депутатларимиз аҳоли билан юзма-юз бўлиб, уларнинг ўй-фикрлари, қийнаётган муаммоларини ўрганиб, уларга ечим топишга, ҳудудларга чиқиб, мавжуд камчиликларни аниқлаш, улар юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масала киритиб, қарор қабул қилинишига эришишга ҳаракат қилмоқда. Бу, албатта, яхши. Лекин уларнинг ижроси-чи? Мутасадди идоралар сессия қарорларини қай даражада ижро этмоқда? Партия ташкилотлари ёхуд депутатлар улар ижроси устидан назорат олиб бораяптими? Ушбу саволларга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мисолида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Аввало, шуни айтиш жоиз, ўтган йили маҳаллий Кенгашлар сессияларида ҳудудларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этиш каби долзарб масалалар кўриб чиқилган, тегишли қарорлар қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг ижроси ҳақидаги масала ўтган йилда халқ депутатлари Тўрткўл, Кегейли, Қўнғирот, Шуманай, Хўжайли туманлари Кенгаши сессиялари кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинган.

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

КИРИШ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармонини ижро этиш, шунингдек, республикага туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмини миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Виза режимини янада соддалаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Кириш туризмини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

Туризмни ривожлантириш масалаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришни таъминлаш бўйича масъуллар бириктириладиган мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2018 йил 1 майдан бошлаб транзит бўйича ҳаракатланаётган хорижий йўловчиларга келишлари билан 72 соат муддатга қисқа муддатли кириш визаларини бериш жорий этилсин, бунда уларда учинчи мамлакатга авиачипта ва виза (зарурат бўлганда) мавжуд бўлиши ҳамда консуллик йиғимларини тўлаш талаби, шунингдек, тасдиқланган туризм дастурлари бўйича танишув турлари учун уларнинг аэропорт чегара ҳудудидан ташқарига қисқа муддатли назорат қилинадиган чиқиши тартиби назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу бандни амалга ошириш бўйича, шу жумладан, фуқаролари келишлари билан қисқа муддатли кириш визалари бериладиган мамлакатлар рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада Зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, унга оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон тўғрисида Ислом дини ва бошқа жаҳон динларининг маданий-тарихий ва илмий-теологик маркази сифатида ахборот материалларини тарғиб қилиш ва тарқатиш юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун:

устувор мамлакатлар ва ҳудудлардан Ўзбекистон Республикасига туристлар оқимини кўпайтириш бўйича "йўл хариталари"ни;

Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини Ўзбекистоннинг туризм имкониятларини намойиш этадиган зарур ахборот материаллари билан таъминласин, шунингдек, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига жойлашган мамлакатида "Ўзбекистон" туризм брендини тарғиб қилишга бағишланган тадбирларни ўтказиш учун бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маблағлар ажратсин.

2-бет

Бугуннинг гапи

ТАТИБ КЎРИШДАН АВВАЛ, ОҚИБАТИНИ ЎЙЛА

"ЗАМОНАВИЙ" КАШАНДАЛИК — ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТА ВА ЧИЛИМ ЧЕКИШНИ ТАҚИҚЛАШ МАВРИДИ КЕЛДИ

Дугонам туғилган кунини пойтахтимиздаги ресторанлардан бирида нишонлади. Ҳамма курсдош қизлар йиғилиб, туғилган кунга бордик: кимдир ўғлини, кимдир ҳали мучал ёшини қаршиламаган қизини етаклаб олган. Аввалига ҳаммаси жойида эди. Аммо, сал кейинроқ ресторан йигит ва қизлар (улар орасида ўсмирлар ҳам бор), ўрта ва катта ёшли эркак ва аёллар билан гавжумлашди. Ресторанниг кичик хоналарини эгаллаган ёш йигит-қизлар овқатланишни ҳам четга суриб, тутун бурқсита бошлашди. Шунда кичик меҳмонларимиздан бири "ойижон, ана улар нима қилишяпти?", деб сўраб қолди. Суриштирсак, бу сўнгги пайтда урф бўлаётган "замонавий" ҳаёт кечиришнинг янги қилиқларидан — чилим ва электрон сигарета чекилаётган экан...

Орадан анча вақт ўтди, бироқ ўша манзара кўз олдимдан ҳамон кетмайди.

5-бет

Пленум

БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ — ДАВР ШИДДАТИГА МОС ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ, ХАЛҚ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" номли маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан ЎзМТДПнинг қабул қилган чора-тадбирлар дастури ижроси атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномасидан келиб чиқиб, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Пленумда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

3-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
6 (490) 2018 йил 7 февраль, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

КИРИШ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Молия вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда хорижий туристларни жалб қилиш прогнозини ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимларини жойлашган мамлакатдан туристлар оқимини кўпайтирганлик учун бюджет маблағлари ҳисобидан мукофотлаш, шунингдек, республикага туристлар оқимини ошириш бўйича юкланган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик чораларини кўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиклаш учун киритсин.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКга Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда хорижий туристларни жалб қилиш прогнозини тасдиклаш ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг хориждаги ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимларини жойлашган мамлакатидан туристлар оқимини кўпайтирганлик учун ўз маблағлари ҳисобидан мукофотлаш, юкланган вазифаларнинг бажарилиши таъминланмаган ҳолатларда эса, жавобгарлик чораларини кўллаш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

7. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКга қатновлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида халқаро қатновлар учун авиачипталарни таннархидан паст нархларда сотиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК билан биргаликда икки ой муддатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг солиқ солинадиган базасини арзонлаштирилган нархлар бўйича сотилган авиачипталарни суммасига камайтириш механизмини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

2018 йил 1 мартгача туристларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун ягона қисқа умумреспублика телефон рақамига эга бўлган Call-марказнинг фаолияти аутсорсинг шартларида ташкил этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Call-марказга мурожаат қилган туристларга тезкор ёрдам кўрсатиш масалаларида идоралараро ўзаро ҳамкорликни таъминласин.

Белгиласинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Call-маркази фаолият юритиши билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

9. Белгиласинки:

туристлар учун йўналишни мўлжалга олишни енгиллаштириш мақсадида чет тилларидаги (инглиз, рус ва бошқа тилларда) кўрсаткичларни ўрнатиш ташаббуси билан чиққан хўжалик юритувчи субъектларга ушбу кўрсаткичларда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар ва ишлар)нинг рекламасини жойлаштириш ҳуқуқи берилади, бунда реклама соҳасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши таъминланган ҳолда жойлаштирилаётган рекламанинг умумий майдони кўрсаткич майдонининг 40 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим;

туристлар томонидан жамоат жойлари, бино ва иншоотларни фото ва видео суратга олиш ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилади, рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган ҳамда барча турдаги суратга олишлар тақиқланганлиги ҳақидаги тегишли кўрсаткичлар ўрнатилган объектлар бундан мустасно.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Маданият вазирлиги ҳар чоракда ва йил якунларига кўра республиканинг туризм имкониятлари ва салоҳияти, унинг тарихий шаҳслари, тарихи, маданияти, анъаналари, спорти тўғрисидаги энг яхши видео, фото ва аудиоматериалларни аниқлаш бўйича танловни ташкил қилиш ва ўтказиш орқали маҳаллий ва чет эллик ғолибларни аниқлаган ҳолда тегишлича бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни йўқ қилиш бўйича жамғарма ҳамда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига тақдирлашни таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда 2018 йилдан бошлаб ҳар йили даромадлар прогнози ортиғи билан бажарилган маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари манбаларнинг маблағлари ҳисобига халқаро туризм кўргазмалари ва ярмаркаларида иштирок этиш, кейинчалик чет эл жамоатчилиги орасида тарқатиш мақсадида тегишли ахборот материалларини тайёрлаш ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида реклама кампанияларини ишга солиш орқали ҳудудларнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун маблағларни ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда олтин буюмлар ҳамда белгиланган тартибда тайёрланган ўлчовли ёмбилар хорижий туристлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши тартибининг соддалаштирилишини назарда тутадиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Маданият вазирлиги ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлигининг буюртманомаларига кўра хорижий ижодий гуруҳларга республиканинг туризм салоҳияти тўғрисидаги фото ва видеоматериалларни тайёрлаш учун учувчисиз учиш аппаратларини, жумладан, дронларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кириш ва улардан фойдаланиш учун рухсатномаларни бериш тартибини кўзда тутадиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида "Қарши" халқаро аэропортини "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг таркибидан чиқариб, халқаро аэропортларни бошқариш бўйича махсус компания бошқарувига бериш, аэропорт ҳудудида "Очиқ осмон" режимини, шу жумладан, лоукостер авиакомпанияларини жалб қилган ҳолда жорий қилишни назарда тутувчи "Қарши" халқаро аэропортини ривожлантириш концепциясини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Хорижлик туристлар, жумладан, зиёрат қилиш мақсадида келаётган туристлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиботларини босқичма-босқич соддалаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳга ҳар чоракда тегишли маълумотлар киритган ҳолда ушбу қарор билан тасдиқланган Виза режимини янада соддалаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасининг амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Кириш туризмини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борилишини;

мониторинг якунига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга режалаштирилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли қарорларни қабул қилиш учун ҳар чоракда таклифлар киритиб борилишини таъминласин.

16. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Арипов):

ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан доимий ва тизимли назорат ташкил этилишини;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари – масъул ижрочиларнинг ушбу қарор билан тасдиқланган Кириш туризмини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасининг сўзсиз бажарилиши юзасидан улар томонидан кўрилаётган амалий чораларнинг ҳар чоракда эшитилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмурадов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А.Абдуҳакимов зиммасига юкласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 6 февраль

Муносабат

СОҒЛОМ АЁЛ — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ҳар қанча аччиқ бўлмасин айтиш лозимки кейинги пайтларда ўзбек аёлига хос бўлмаган айрим иллатлар — оилавий ажралишлар, низолар, жиноятга қўл уриш ҳолатлари учрамоқда. Таҳлилчилар фикрича, оиланинг дарз кетиши, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушкунлик каби омиллар жиноят кўчасига кираётган аёллар сафини кенгайтирар экан. Оилавий ажралиш улар орасидаги энг қатта сабаблардан биридир. Бунинг оқибатида нотинч, барқарор, ҳемтиқ оилалар вужудга келмоқда, бир қанча ижтимоий ва маънавий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Маълумотларга қараганда, ижтимоий хавфли жиноятлар содир этаётган аёллар ва вояга етмаган болалар, хулқий оғишлар айнан ана шундай оилаларда учрамоқда. Жамият елкасига оғир юк бўлиб тушаётган оилавий ажралиш муаммоси асоратлари анча чуқур бўлиб, унга ечим топишда афсуски ҳамон оқсоқланяпмиз. Мутасаддилар, фаол жамоатчилик мунтазам олиб бораётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамай, бу борадаги муаммолар камайган эмас. Мавжуд муаммонинг олдини олиш, жамият ҳаётининг маънавий пойдевори бўлган аёллар ҳаётидаги бу иллатни бартараф этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун маҳаллаларда опа-сингилларимиз билан бевосита иш олиб бориш, жойларда оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан якка тартибда тизимли ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш, манзилли кўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами ва самарадорлигини янада ошириши лозим.

Аллома шоир Рудакий "Қайси бир миллатни яксон қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини — бўлажак оналарни тарбиядан чиқаринг. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, унинг қизларини — бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг", деганида нечоғлиқ ҳақ эди. Дарҳақиқат, ўзбек хотин-қизлари орасидан чиққан Тўмарис, Сароймулкхоним, Нодирабегим, Зебунисобегим, Увайсий, Зулфия каби аёлларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Жаҳон маданияти ва маънавияти хазинасига улкан ҳисса кўшган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ инсонларни дунёга келтирган, тарбиялаган ҳам заминимиз аёлларидир.

Шу боис бугун ҳам оила, оналик ва болаликни ривожлантириш, бу борадаги қадриятларимизни тиклаш, оила мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифаларимиздан бирига айланди. Айниқса, бугунги тезкор замонда "маданият"лар маданиятларга ҳукмронлик қилмоқчи бўлаётган бир пайтда келажак авлод таълим-тарбиясини янада юксалтириш оналар, аёллар масъулиятини янада оширишни тақозо этади. Улар нафақат оилада, балки ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, спорт, санъат соҳаларида ҳам улкан ютуқларни кўлга киритаётгани эътиборга молик.

Фармонга мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса кўшган хотин-қизларга бериладиган "Мўътабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилгани аёлларга бўлган юксак эътибор, шу билан бирга, янада юксак масъулиятдир.

Мухтасар айтганда, мазкур фармон ўз мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини самарали ташкил этиш, умуман, хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишларни янада юқори босқичга кўтариш, опа-сингилларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, уларнинг бахтли ва ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, ушбу ҳужжат ижросини таъминлашда барчамиз бирдек фаол иштирок этишимиз лозим.

Алишер ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш масаласига долзарб вазифа сифатида эътибор қаратиб келинади. Албатта, жамият тараққиётининг етакчи кучи сифатида ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш фаол аёллар сафининг янада кенгайишига хизмат қилади.

ЎзМТДП ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонни қабул қилгани оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида самарали механизмни яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишда долзарб аҳамият касб этади.

Фармонга мувофиқ Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил этилиши оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларига кўмаклашиш каби эзгу ишларга йўналтирилган. Жойларда оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида "Аёллар маслаҳатхоналари" ташкил этилиши бевосита ўсмир қизлар ва фертиль ёшидаги аёлларга зарур маслаҳатлар беришга хизмат қилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини беришда ёш чегарасининг узайтирилиши маълум соҳаларда ютуқларга эришган ҳамда илмий изланишлар билан шуғулланаётган олима қизларимиз учун кенг имкониятлар яратиб, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ушбу давлат мукофоти совриндорлари бўлган ўқувчиларни бакалавриат, магистратурага синовларсиз давлат грантлари асосида қабул қилинишига замин яратади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга кўмаклашиш ҳамда жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилишни ўзининг маънавий-маърифий соҳадаги вазифалари қаторига кўяди. Партия ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлари доирасида 2018 йил давомида хотин-қизлар билан боғлиқ муаммолар энг кўп қайд этилган ҳудудларда депутатлар, сенаторлар ва Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирокида сайёр қабулларни ташкил этади. Ҳамкорлар билан бирга Чиноз ҳамда Қўқон шаҳридаги қиз болалар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳолатини ўрганиш, шу билан бирга, хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, оилавий ажримларнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш борасида эшитувларни ташкил этишни мақсад қилиб олган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилганлиги жорий йилдаги фаолиятимизда ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш борасида амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишимизни тақозо этади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ушбу фармони хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади. Бу борадаги ишларда эса ЎзМТДП ва унинг депутатлик бирлашмалари ҳамкорликда иш олиб боради.

Шаҳноза СУЛТОНОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бош мутахассиси

САЙЁҲЛАР ОҚИМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Юртимиз ўзининг бой тарихи, бетакрор осори атиқалари, қадамжолари, тўрт фасл тепа-тенг амал қиладиган гўзал табиати билан дунё сайёҳлари эътиборида бўлиб келган. Бу эса мамлакатимизда мавжуд туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ушбу соҳани янада кенгайтириш имконини беради. Шу боис мамлакатимизда бу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, туризм соҳасидаги субъектларга божхона солиқ имтиёзлари берилди.

Туризм соҳасида амалга оширилаётган аниқ амалий ишлар баробарида ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам борлиги соҳани комплекс ривожлантиришда муайян камчиликларни юзага келтираётган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мана шу масалалар ечимида дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Фармонда Исроил, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизга мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилди. Шунингдек, 39 мамлакат фуқаролари учун мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилиниши ҳамда 2018 йил 10 февралдан эътиборан ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби киритилди.

Мамлакатнинг туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича ишларни янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази" давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий PR-маркази" давлат унитар корхонаси сифатида қайта ташкил этилиши мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу фармоннинг ижросини таъминлашда нафақат иштирок этиш, балки ташаббускор бўлиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг муҳим вазифаси саналади. Сайловолди Платформасида мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ўз фаолиятида мазкур фармон ижросини таъминлаш ва аниқ амалий ишлари билан соҳа ривожига таъсир кўрсатишга интилади.

Қувондиқ РАЖАБОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида кенг қамровли ва изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки юртимиз беқиёс сайёҳлик салоҳиятига эга. Фақат ундан самарали фойдаланишимиз, туризмни иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айлантиришга эришмоғимиз лозим.

Туризм соҳасини улкан карвон деб тасаввур қилсак, у энди ўз йўлини белгилаб олди ва манзил томон кетиб бормоқда. Навбатдаги вазифа — ушбу карвон одимларини тезлаштириш, жадаллаштиришдан иборат. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони айни шу мақсадга қаратилган.

Юртимизнинг кўп ҳудудлари қатори Сурхондарё вилоятида ҳам сайёҳликнинг, айниқса, экотуризм, зиёрат туризми каби йўналишларини ривожлантириш имконияти мавжуд. Лекин, афсуски, ҳозирда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани ҳам сир эмас. Мазкур туризм йўналишларига нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик сайёҳларни ҳам жалб этиш мумкин. Фармонда "Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази"нинг Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий PR-маркази" этиб қайта ташкил этилишининг белгиланиши ва ушбу марказнинг фаолият юритиши учун замонавий ва юқори технологик суратга олиш ускуналари, автотранспорт воситаларини ўз ичига олган моддий техник базаси шакллантирилиши вилоятнинг табиат гўзаллиги, улкан тоғ тизмалари, аҳолисининг миллий қадриятлари-ю ананалари, халқ амалий санъати намуналарини кенг жамоатчиликка намойиш қилиш ва тарғиб қилиш имконини беради. Бундай саъй-ҳаракатлар замирида, албатта, юртимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсади мужассам.

Яна бир жиҳат — "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастури фуқароларимизни юртимизнинг эътиборга молик жойларини бориб кўриш, зиёрат қилиш, улар билан яқиндан танишишни назарда тутади.

Фармонга мувофиқ юртимизда фаолият юритаётган туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига ҳам кўплаб қулайликлар яратилганидан мамнун бўлдик. Айрим солиқ мажбуриятларининг бекор қилиниши, имтиёзли кредитлар олиш ёки хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг кенг фаолият юритишига йўл очади.

Буларнинг барчаси пировардида соҳа ривожи, мамлакат, хусусан, ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига халқимиз фаровонлиги фарзандларимиз бахту саодатини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур фармон ижросини таъминлашда ЎзМТДП Сурхондарё вилоят ташкилотлари ва партия гуруҳлари ҳам фаол иштирок этади.

Сайдулла АБДУРАИМОВ,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Пленум

БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ — ДАВР ШИДДАТИГА МОС ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ, ХАЛҚ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгариш ва янгиланишлар даври бўлган ўтган йилда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолиятини Президентимизнинг 2017 йил 12 июлдаги маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, электорат манфаатлари нуқтаи назаридан ташкил этди, — деди партия етакчиси. — Давр қўяётган ўткир саволларга эрта ё индин эмас, балки бугуннинг ўзида жавоб бериш партиянинг асосий мақсадига айланди. Партия ўз фаолиятида асосий эътиборни ваъдалар эмас, амалий ишларга қаратди. Жойларда депутатлик бирлашмалари ҳамда партия ташкилотларининг халқ билан мулоқоти самарали йўлга қўйилиб, муайян натижаларга эришилди. Хўш, бу натижалар асосан нималарда кўринади? Давлатимиз раҳбари томонидан сиёсий партиялар ва парламент аъзолари олдига қўйилган вазифалар, улардан кутилаётган натижалар ЎзМТДП фаолиятида қай даражада намоён бўлди?

Мамлакатимизда инсон ва унинг қадр-қиммати марказий ўринга қўйилган бир пайтда Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган депутатларнинг ҳар ойда ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш борасидаги янги тизим халқ дардини эшитиш, жамиятда илдиз отган кўплаб муаммоларга самарали ечим топишга хизмат қилди. Тан олиш керак, биз халқ билан мулоқот давомида кўплаб масалаларни ўз жойида ҳал этиш мумкинлигига ўзимиз гувоҳ бўлдик, сайловчи ва электоратимизга берган ваъдаларимизни виждонан яна бир бор сарҳисоб қилиб кўрдик, халқдан бир қадар узоқлашиб қолганимизни англадик. Аксарият қонунларимиз кабинетдан чиқмасдан ёзилгани, халқ билан ҳисоблашмай, уларнинг фикри инобатга олинмай амалиётга киритилганлигини тушуниб етдик.

Ўтган бир йил давомида фракция аъзолари ўзи сайланган округларда бўлиб, партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан бирга 16 минг 753 давлат органи, тадбиркорлик субъекти, ижтимоий соҳа объекти, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда хонадонларнинг ҳолатини ўргандилар. Минглаб аҳолининг уйига кирилиб, юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. Фракция аъзолари бевосита ўтказган ўрганиш ва мулоқотлар давомида аҳолидан турли соҳаларга оид 7 мингга яқин мурожаат бўлди. Мазкур мурожаатларнинг ярмидан кўпи жойида ҳал этилган бўлса-да, лекин бу борадаги ишлар поёнига етгани йўқ. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари энди маҳаллий Кенгаш депутатларининг доимий назоратида бўлади. Бу, ўз навбатида, партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига замин яратади.

Қонун ижодкорлиги — долзарб вазифа

Тан олиш керак, парламентдаги партия фракциясининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти бугунги давр қўяётган талабга жавоб бермайди. Масалан, ҳисобот даврида фракция аъзолари ташаббуси билан 20 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлса, улардан атиги 3 таси партия Дастуридаги вазифалар доирасидадир. Фракциямиз томонидан йил давомида фақат битта парламент сўрови ("Туризм тўғрисида"ги қонун ижроси ҳамда мамлакатда соҳани ривожлантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар яратиш истиқболлари ҳақида") ва парламент эшитуви (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг "Қабул қилинаётган қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш тўғрисида") ташкил этилганлиги бу борадаги фаолиятни кучайтиришни талаб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ЎзМТДП давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 июлдаги дастуриламал маърузасидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб боришни йўлга қўйиш мақсадида улар билан ҳамкорлик Меморандуми имзолади. Ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режалари тузилди. Ўтган даврда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда "Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қорақалпоғистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан 194 та депутатлик сўровини амалга оширди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан маданий мерос объектлари муҳофазасига оид 63 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, туризм йўналишида депутатларимиз тегишли мутасаддиларга 47 депутатлик сўровини юборди. Соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳамда ҳудудларда экотуризм ва маданий туризм соҳасини янада ривожлантириш борасидаги масалаларни етти ҳудуддаги маҳаллий Кенгашларнинг партия гуруҳлари ўрганиб, сессияларга олиб чиқди. Натижада, бу борада тегишли қарорлар қабул қилинди. Аммо бу ҳали етарли эмас. Партия фаоллари ва депутатларимиз ҳамкор ташкилотлар билан тузилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқаётгани йўқ.

Пленумда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг 2017 йил давомидаги фаолияти, ютуқ ва камчиликлари сарҳисоб қилинди. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ва депутатлар ташаббуси билан 671 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. 453 таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилди. 284 ташаббус-масала сессиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Аммо сессияга масала киритиш ва қарор қабул қилиш билан иш битмайди — бу амалий ишларнинг бошланиши холос. Энг муҳими, қарорлар ижросини таъминлаш лозим. Афсуски, ижро масаласи қониқарли даражада эмас, қарорлар ижроси устидан назорат ишлари амалга оширилмаяпти. Қарорларнинг қоғозда қолиб кетиши саъй-ҳаракатларнинг бесамар ва натижасиз эканлигидан далолат эмасми?

ЎзМТДП гуруҳлари фаолияти ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда 2017 йил давомида халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги 13 нафар депутатдан иборат партия гурухи сессия кун тартибига бирорта ҳам ташаббус-масала киритмаган. Айни шундай ҳолатни халқ депутатлари Асака, Хўжаобод, Жомбой, Каттақўрғон, Қўшработ, Оқдарё, Пайариқ, Ургут, Қува, Қувасой, Чироқчи туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Сиёсий партия фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доим хабардор бўлиши лозим. Бу тамойил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан ЎзМТДП ташкилотлари фаолиятида яққол ўз ифодасини топди. Жумладан, партия ташкилотларида янги — Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш сектори ташкил этилди.

Пленумда қайд этилганидек, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизимни яратиш натижасида ўтган йили партияга жисмоний ва юридик шахслардан 8 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Уларнинг 3,5 мингтаси партия кўмагида ижобий ҳал этилди. Умуман 2017 йилда партия ташкилотлари ва ЎзМТДП фракциясига уй-жой, коммунал соҳа, бандлик, ижтимоий масалалар ва соғлиқни сақлаш каби турли йўналишларда 15 мингга яқин мурожаат келиб тушган. Фракция аъзолари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида тегишли ташкилотларга 86 та депутатлик сўрови юборди. Шу асосда аксарият масалалар ижобий ҳал этилган, айримлари 2018 йил Давлат дастурларига киритилди.

Бундан ташқари, парламент ва партиянинг расмий веб-сайтига фуқаролардан келиб тушган бир ярим мингдан ортиқ мурожаатнинг 90,5 фоизи ижобий ҳал этилган. Шунингдек, ҳисобот даврида ижтимоий тармоқ орқали келган мурожаат ва таклифлар ўрганилди, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга доир масалалар ҳал этилди.

Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фуқаролар мурожаати билан ишлаш борасидаги бу каби ҳаракатлари, жойлардаги ўрганишлари келгусидаги вазифаларни аниқ белгилаб берди. Яъни ўрганиш ва мурожаатлар таҳлили жамиятимизда оқсаётган соҳаларни ривожлантириш бўйича зарур бўлган қонунчилик ташаббусларини илгари суришга, партия сайловолди Платформасини такомиллаштириб боришга асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, ЎзМТДП дастурий вазифаларига мос равишда ҳудудларда таълим, тиббиёт, спорт, маданият ва туризм соҳаларининг ривожи, мавжуд муаммо ва камчиликлар, фойдаланилмаётган жиҳатлар билан танишилганда, ушбу йўналишларда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар талай эканлиги маълум бўлди. Биргина маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасидаги ишлар ўрганилганда, ҳудудлардаги кўплаб тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ талай муаммолар борлиги аниқланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш масаласи партия ва депутатлик бирлашмаларининг доимий эътибори ва назоратида бўлиб келаётир. Партия фракцияси ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини қабул қилиш ва унинг ижросини муҳокама қилишда мазкур йўналишга ажратиладиган бюджет маблағларига, унинг кўпайтириб борилишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2017 йилда ушбу мақсадларга 22,5 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2018 йилги Давлат бюджетида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш учун 38,7 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бунда, албатта, фракция аъзоларининг ҳиссаси борлиги эътиборга молик.

Айни пайтда парламент қуйи палатасидаги фракциямиз партиянинг қуйи тузилмалари билан ҳамкорликда маданият соҳасига оид 2 та янги қонун лойиҳаси — "Маданият тўғрисида"ги ҳамда "Театр ва театр фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Бу борада партия фракцияси жойларда мутахассислар иштирокида театр соҳасидаги долзарб, ўз ечимини кутаётган масалалар муҳокамасига бағишланган очиқ мулоқотларни ташкил этмоқда, ўрганишлар олиб бормоқда. Бу ўрганишлар республикамиз миқёсида маданият ва санъат ходимлари, ижодкор зиёлиларни кенг жалб этган ҳолда мунтазам равишда давом эттирилиб, соҳани ривожлантиришга оид 170 га яқин таклифлар ишлаб чиқилди. Албатта, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари партия дастурий вазифалари ҳамда Маданият вазирлиги билан ҳамкорлик доирасида тузилган чора-тадбирлар дастури ижросига хизмат қилади.

Ёшлар масаласи — доимий эътиборда

Президентимиз парламент ва сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатлами, ёшлар ва аёллар масаласида партияларнинг фаолиятидаги жиддий камчиликларни келтириб ўтган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда партия ушбу масалада олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилиб, муаммолар гирдобида қолаётган хотин-қизлар ва уюшмаган ёшлар масаласига ўз таъсирини ўтказиш борасида устувор вазифаларини белгилаб олди. Пленумда қайд этилганидек, 2017 йилда партиянинг ёшлар ва аёллар масаласидаги тузилмасига бир қатор ўзгартиришлар киритилди — ҳудудий ва маҳаллий партия кенгашлари раисларининг ёшлар масалалари ҳамда оила ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди. Аммо ушбу вакиллар ўзи сайланган, яшаётган ҳудуддаги ёшлар ҳамда аёллар билан боғлиқ жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, ишсизликка доир муаммоларни биладими? Мавжуд муаммоларни ҳал этишга қай даражада кўмаклашяпти?

— Партиямизнинг хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятида бирмунча ўзгаришлар кузатиляпти, — деди партия етакчиси. — Хусусан, партиянинг "Депутат билан юзма-юз", "Уйма уй" ҳамда "Хизмат — беминнат" лойиҳалари доирасида жами 4000 га яқин ёшлар касб-хунарга йўналтирилди, 300 нафардан зиёд уюшмаган ёшлар иш билан таъминланди, 40 нафар йигит-қизга имтиёзли кредитлар ажратилишида кўмаклашилди. Лекин бу борадаги ишларимиз ҳали имкониятларимиз даражасида эмас. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар комиссияси ҳамда Оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича комиссия аъзолари ўзларининг экспертлик хулосалари, ташаббуслари, ҳаракатлари билан мамлакатимизда келажагимиз бунёдкорларининг мавжуд муаммоли ҳолатларига тўғри ечим топишда асосий таянч бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш — муҳим вазифа. Партиянинг бевосита уюшмаган ёшлар учун қўшимча бепул таълим ва касбга йўналтиришга қаратилган биргина "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида 374 ўқув курси ташкил этилгани ва 2,6 мингдан зиёд ёшларга қўшимча бепул таълим берилгани диққатга сазовор.

Партиянинг ғоя ва мафкурасини, йўналишини ўзида ифода этган асосий қуроли — бу унинг сиёсий Дастури. Давр бир жойда тўхтаб қолмаганидек, ривожланиш, тараққиёт партия Дастурини ҳам унга мослаб ўзгартириб боришни тақозо этади. Шу боис ўтган йили ЎзМТДПнинг Дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Лойиҳани такомиллаштиришда партиянинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштирилди. Қизғин муҳокамалар жараёнига турли соҳа вакиллари, тарихчи олимлар, санъатшунослар, маданият ходимлари жалб этилди, хориж тажрибаси ўрганилди, қиёсий таҳлил қилинди. Ушбу саъй-ҳаракатлар эса партия Дастурининг том маънода халқимизнинг бугуни ва эртасига дахлдор маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги хоҳиш-иродасини ифода этадиган стратегик ҳужжатга айланишига хизмат қилади.

Пленумда партия тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар, уларнинг хизмат лавозимларида ўсишини таъминлаш, келгусида соҳага доир замонавий билимларга эга ташаббускор ёшларни жалб этиш орқали кадрлар заҳирасини яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз таъкидлаганидек, сиёсий партиялар ходимлари партия ишида тобланиши, шундан сўнг давлат органлари ва ҳокимликлар тизимидаги турли лавозимларга, жумладан, депутатлик лавозимларига асосий захира бўлишлари даркор.

Йиғилишда партия ва депутатлик бирлашмаларининг 2018 йилдаги устувор вазифалари ҳам белгилаб олинди. Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди. Партиянинг бу йилга мўлжалланган иш режаси ҳам Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Унда қонун ижодкорлиги, депутатлар ва партия ташкилотларининг суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, санъат ва маданият соҳасидаги вазифалари, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштироки бўйича фаолияти, амалга ошириши лозим бўлган ишлари ўз ифодасини топган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ўз навбатида, партия Дастури ҳаётга татбиқ этилишига, электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан музокарага чиққан партия Хоразм, Бухоро, Фарғона вилоят кенгашлари раислари Ражаббой Рўзметов, Саиджон Ҳамроев, Умиджон Жабборов ва ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Азим Солиев йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштириш ва янада юқори поғонага кўтариш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Пленумда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 2018 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТААССУРОТ ВА ХУЛОСАЛАР:

Козим ТОЖИЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Пленумда ЎзМТДП фракциясининг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасидаги фаолияти чуқур таҳлил қилинди ва унга холис баҳо берилди. Дарҳақиқат, 2017 йилда фракциямиз аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 20 қонун лойиҳасидан атиги 3 таси партия Дастуридаги вазифалар ижросига оид эканлиги, йил давомида фақат биттадан парламент сўрови ва эшитуви ташкил этилганлиги фаолиятимиз қониқарсиз эканлигидан далолат бериб турибди. Ҳар биримиз ўз фаолиятимизни танқидий таҳлил қилишимиз, жорий йил учун белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз зарур. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фракциямиз ташаббусни қўлга олиши лозим.

Пленумда партия етакчиси Қонунчилик палатасидаги Ёшлар комиссияси фаолиятини кучайтириш ва партия билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Мазкур комиссия раиси сифатида келгусидаги фаолиятимизда, албатта, партия ташкилотлари билан ҳамкорликдаги иш режаларимизни ишлаб чиқиб, муштарак мақсадларимизни биргаликда амалга оширишга эътибор қаратамиз.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари:

— Маданият вазирлиги ва ЎзМТДП ўртасидаги ҳамкорлик Меморандуми олдимизда турган устувор вазифаларни биргаликда амалга ошириш имконини бермоқда. Бугун партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан, тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва асраб-авайлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. Партия билан фаолиятимизга доир ҳар қандай масалада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Партиянинг яна бир ташаббуси — "Маданият тўғрисида"ги ва "Театр ва театр фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни илгари суроётгани диққатга сазовор. Чунки, энг аввало, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат бўлиши, "маданият" нима эканлигига қонун воситасида тушунча бериш соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода партия ва фракция аъзоларининг бу каби ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, келгусида ҳамкорликда иш олиб борамиз.

Ўткир САИДОВ,
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бош мутахассиси:

— Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, янги туристик йўналишлар очиш, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. ЎзМТДП билан ҳамкорлик асосида бу борадаги вазифаларни амалга оширишда аниқ чора-тадбирларни белгилаб олганмиз. Жумладан, унда туризм соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини ўрганишда ҳамкорликни йўлга қўйиш, "Туризм тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш каби мақсадлар кўзда тутилган. Ушбу ҳамкорлик бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ ишга солишда, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Пленумда партиямизнинг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинди, бир қатор самарали лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилгани, шу билан бирга, фаолиятимизда йўл қўйилган камчилик ва муаммолар мавжудлиги очиқ-ойдин айтилди.

Партия ва депутатлик бирлашмалари ўз фаолияти давомида, айниқса, маданият ва туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада қатор ўрганишлар олиб борди. Масалан, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида ташкил этилган ўрганишлар натижалари асосида партия фракцияси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига парламент сўрови юборди. Бундан ташқари, партия кўмагида Сурхондарё вилоятида мавжуд 374 моддий маданий мерос объектларининг барчаси давлат рўйхатидан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари тайёрланишига эришилди. Бу йўналишдаги ишлар барча вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари иштирокида давом эттирилмоқда.

Шунингдек, 2018 йил давомида партия фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси тўғрисида"ги ахбороти ҳамда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ижроси юзасидан маданият вазирининг эшитувини ташкил этиш режалаштирилган.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
6 (490) 2018 йил 7 февраль, чоршанба

ЎзМТДП — устувор вазифалар

СЕССИЯ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ, ЛЕКИН УНИНГ ИЖРОСИ-ЧИ?

МАСЪУЛЛАР ҚАРОР ИЖРОСИГА БЕФАРҚ ҚАРАЁТГАНИ САБАБЛИ УЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Сессия қарорида тумандаги бир нечта мутасадди идоралар зиммасига муҳим вазифалар юклатилган. Жумладан, халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгаши сессияси қарорида туман ҳокими ва унинг ўринбосарларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг "Қорақалпоғистон Республикасида моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тизимини қайта тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, маданий мерос объектларига масъул ташкилотларни бириктириш, улар атрофини муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, туман ер ресурслари ва давлат кадастри масъул ходимларига уларнинг чегараларини аниқлаш, топографик карталарини шакллантириш, кадастр рўйхатидан ўтказиш, реставрация ишларини олиб бориш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Туман маданият бўлими эса моддий маданий мерос объектларини рўйхатдан ўтказиши, республика тизимига киритиши, улардан фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, улар юзасидан ҳисобот тақдим этиши керак эди.

Ушбу вазифалар ижроси бугунги кунда қай даражада таъминлаётгани юзасидан ЎзМТДП Хўжайли туман кенгаши етакчи мутахассиси Гулнора Нуримбетовага мурожаат қилдик. Унинг таъкидлашича, туманда айни пайтда 21 маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Сессия қарорида белгиланган вазифаларнинг айримлари бажарилган бўлса, айримлари юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, тарихий қадамжоларга яқин йўлларга йўл белгилари ўрнатилган, уларнинг атрофи ободонлаштирилган. Тумандаги "Қирқчўпон" мақбараси реставрация қилинмоқда. Амма сессия қарорида белгиланган аксарият вазифалар ижроси таъминланишида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Яна бир мисол. Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи "Туман ҳудудида "Экотуризм"ни ривожлантириш ва экотуристик база ташкил қилиш тўғрисида"ги масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритиб, қарор қабул қилинган.

Туманнинг ташкил топганига кўп бўлмаса-да, у ўзига хос тарихи, мафтункор табиати ва қулай географик жойлашувига эга. Янгибозор Хоразм вилояти билан Қорақалпоғистон Республикасини ажратиб туради, Амударёга туташ ҳудудда жойлашган туманда экотуризми ривожлантириш имконияти мавжуд.

Туманнинг Чўболончи қишлоғи дарё бўйи соҳилида жойлашган. Бу ҳудуд ҳозирги кунда балиқчилик ҳовузларига айлантирилиб, ижара асосида фойдаланишга берилган. 50 гектар тўқайзор ва 1 гектар кўлдан иборат ушбу маскан экотуристик база ташкил қилиш учун қулай шароитга эга. Хоразм вилоятига келган сайёҳларни ушбу масканга ҳам жалб қилиш мумкин. Айни шу мақсадда "Янгибозор туманининг Чўболончи қишлоғи ҳудудидаги табиий кўллар атрофида сайёҳлик инфратузилмасини ташкил этиш ва уни сайёҳлик йўналишларига киритиш" тўғрисидаги масала Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм минтақавий бўлимининг "Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш борасида 2016-2017 йилга мўлжалланган аниқ амалий чора-тадбирлар режаси"га киритилган эди. Бунинг учун ҳудудда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, унинг сайёҳлик йўналишлари ва хизматларини такомиллаштириш, сайёҳлик имкониятини намойиш қилиш ишларини амалга ошириш, сайёҳлар учун қўшимча объектлар ташкил қилиш лозим. Бу, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш, миллий ҳунармандчилик ривожига замин яратади.

Мана шу омиллар инобатга олиниб, халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳудудда экотуризм ривожини таъминлаш мақсадида сессия қарори қабул қилинишига эришди. Қарорда қатор мутасадди ташкилот ва маҳаллий ҳокимлик вакилларига туман ҳудудида "Экотуризм"ни ривожлантириш ва экотуристик базаларни ташкил этиш мақсадида қулай ҳудудлар танлаб, тавсия қилиш, бу борада танлов эълон қилиш вазифаси юклатилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Янгибозор туман кенгашига туман ҳудудида экотуристик базаларнинг туристик инфратузилмасини ташкил қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, "Янгибозор кўзгуси" газетаси таҳририятига туманда "Экотуризм"ни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни газета саҳифаларида мунтазам ёритиб бориш вазифалари белгиланди. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Янгибозор тумани ҳокими ўринбосари О.Бекчанов, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Р.Шержановга топширилди.

Аммо орадан бир йил ўтиб ҳам ушбу қарор ижроси таъминланмади. Бу борада на маҳаллий ҳокимлик, на мутасадди ташкилотлар ва на партия ташкилоти бирор бир амалий иш бажармади. Қарор ижроси таъминланмагач, ҳеч қандай амалий иш қилинмагач, газета ҳам бу ҳақда ҳеч қандай мақола чоп этмади. Белгиланган вазифалар ҳанузгача қоғозда қолиб кетмоқда.

— Халқ депутатлари туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятига назар ташласак, улар орасида депутатлик масъулияти, ваколатидан унумли фойдаланаётган, сессияларга ҳудуддаги муҳим ва партиямиз дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг масалаларни олиб чиқиб, қарор қабул қилинишига эришаётган, унинг ижросини қатъий назоратга олаётганлари ҳам, аксинча, бу масалага панжара ортидан қарайдиганлари ҳам учрайди, — дейди халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП ижрочи котиби Анвар Ибрагимов. — Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши сессияси қарори ҳам ўз вазифаси, ҳам электорат манфаатларига бефарқ қараётган депутатлар туфайли ўз ечимини топмаган. Улар сессия қарорини қатъий назоратга олиши, мутасадди ташкилотлардан бу масалада ахборот сўрашга ҳақли эди. Сессияга шунчаки ҳисобот учун масала киритишу, унинг ижроси қоғозларда қолиб кетиши аҳолининг партия ва депутатларга бўлган ишончини йўқотишига олиб келиши табиий. Бу масалалар партия вилоят кенгаши эътиборидан четда қолгани ҳам бундан кейинги фаолиятимизга янада эътиборли бўлиб ёндашишни талаб этади.

Хулосага келсак, ҳали бор. Халқимизда "ҳовлидан кўра кеч" деган нақл бежиз айтилмаган. Партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари бундан кейинги фаолиятида нафақат сессияга масала киритиб, қарор қабул қилинишга эришиш, балки сессия қарори ижросини таъминлашдаги фаоллигини ошириши кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Мазкур вазифани амалга оширишда ҳудудий партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП фракциясида

ЎРГАНИШЛАР САМАРАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ҲУДУДЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БИЛАН ЯКУНЛАНДИ?

Парламент аъзоларининг жойларга чиқиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш амалиёти изчил давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида чекка ҳудудларда турли соҳа ва йўналишларда йиғилиб қолган муаммолар, аҳолини кўпдан бўён ўйлантириб келаётган масалалар ўз ечимини топаётир, халқ вакиллари аҳолининг ишончини қозонмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам аҳоли мурожаатлари асосида аниқ ишларни амалга оширмоқда, жойлардаги турли масалаларга партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшмоқда.

ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳволини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга амалий кўмак кўрсатиши юзасидан фракция аъзолари томонидан жойлардаги ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 12 июлидаги видеоселектор йиғилишида ҳамда 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида депутатлар аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиши зарурлигини таъкидлаган эди.

Йиғилишда ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ҳудудларда ўтказган ўрганишлари юзасидан фракция аъзоси Акмал Умрзоқов ахборот берди.

— Фракциямиз аъзолари ҳар гал ҳудудларга чиққанида аҳоли мурожаатларига ечим топишга, партия дастурий вазифаларига мос равишда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва санъат муассасалари фаолиятини обдон ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келади, — деди А. Умрзоқов. — Шу йилнинг январь ойида ҳудудларда ўтказилган кенг кўламли ўрганишлар давомида ҳам фракция аъзолари 67 давлат органи, 224 тадбиркорлик субъекти, 169 ижтимоий соҳа объекти, юздан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда мингга яқин хонадон, жами бир ярим мингга яқин объектлардаги ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан яқиндан танишдилар. Ўрганишлар, аҳоли билан юзма-юз суҳбатлар жараёнида фуқаролар томонидан асосан тиббий хизмат, уй-жой, коммунал, аҳоли бандлиги, таълим, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, банк-кредит, тадбиркорлик, транспорт ва йўл қурилиши каби соҳаларга доир мавжуд муаммолар ўртага ташланди. Уларнинг аксарияти фракция аъзолари томонидан тегишли маҳаллий давлат органлари ҳамкорлигида жойида ҳал этилган бўлса, республика миқёсида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар юзасидан тегишли вазирлик, идора ва бошқа давлат ташкилотларига 17 та депутатлик сўрови юборилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Юзма-юз мулоқотлар давомида аҳоли кўтарган айрим масалалар юзасидан ташаббус кўрсатиш биз депутатларнинг муҳим вазифамиздир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонига кўра, барча туман ва шаҳарларда 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизими жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежлар биноларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ихтиёрига беғараз ўтказиш, уларнинг негизида Ёшлар марказларини ташкил этиш назарда тутилган. Жойлардаги ўрганишлар давомида айрим туманларда 6-7 тагача коллеж ўз фаолиятини тўхтатиш арафасида эканлиги аниқланди. Баъзи ҳудудлардаги аҳоли вакиллари мактаблар танқислиги, ўқувчилар 2, ҳатто 3 сменада ўқиётгани, шу боис ушбу биноларнинг айримларидан мактаб ўрнида фойдаланиш таклифини билдирди. Кўплаб ота-оналарнинг таклифидан келиб чиқиб, фракциямиз ушбу масала бўйича ташаббус билан чиқса, айни муддао бўлар эди.

Депутатлар жойлардаги ўрганишлар, дуч келинган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Ўрганиш якунлари тегишли маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқилгани, улар ечимига доир қарорлар қабул қилингани таъкидланди. Масалан, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашида ўтган сессияда туманлардаги тиббиёт муассасалари ўрганилгани муҳокама қилиниб, 2018 йилда Жиззах вилоят ва туманларида тиббиёт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан Дастур қабул қилинди. Унда аниқ ва манзилли вазифалар ўз ифодасини топгани ҳудудда соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар бартараф этилишига хизмат қилади.

Шундан сўнг йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда қабул қилиниб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари юзасидан келган таклиф-тавсиялар муҳокама қилинди. Айни пайтда "Медиация тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрирда) қонунлар лойиҳалари юзасидан жойлардаги партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда электорат вакиллари таклиф-тавсиялар билдирмоқда. Қайд этилганидек, мазкур 3 та қонун лойиҳаси бўйича партия фаоллари ва депутатлар томонидан жами 210 та таклиф берилган. Шундан 60 таси "Медиация тўғрисида"ги, 48 таси "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда 102 таси "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига тегишли. Таъкидланганидек, ушбу қонунлар лойиҳаларига билдирилган таклифларнинг аксарияти ЎзМТДП ғоя ва мақсадларидан келиб чиқилган. Таклифларнинг қонун лойиҳаларида акс этиши эса, ўз навбатида, партия дастурий вазифаларининг ижросига хизмат қилади.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан партия фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди ҳамда келгуси вазифалари белгилаб олинди.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ 2017 ЙИЛ УСТАВ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Партия 2017 йилдаги молиявий хўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган "Сиёсий партияларнинг Устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳамда ўз Устав ва Дастурига мувофиқ амалга оширди.

2017 йилда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилий таркибий жиҳатидан 14 та ҳудудий — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда 194 та туман, шаҳар партия кенгашларидан иборат таркибда фаолият юритди.

2017 йил давомида 5 минг 861 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатди. Партия аъзоларининг сони 198 минг 797 нафарни, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари сони 32 нафарни ташкил этди.

ЎзМТДП Уставига мувофиқ партия фаолиятини молиялаштириш манбалари — аъзолик бадаллари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2017 йил 28 январда партия Марказий кенгаши VIII Пленумида харажатлар сметаси ва жами 599 (Марказий кенгаш девонида 50, ҳудудий партия кенгашларида 549) штат бирлиги тасдиқланди.

2017 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 16 миллиард 29 миллион 100 минг сўм маблағ келиб тушди. Шундан партия Устав фаолиятидаги вазифаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 14 миллиард 585 миллион 300 минг сўм, партия аъзолик бадалларидан 1 миллиард 245 миллион 349 минг 900 сўм, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловларида иштирок этиш учун 173 миллион 998 минг 500 сўм, ҳомийлик, хайрия ва бошқа тушумлар 24 миллион 452 минг сўмни ташкил этди.

Партия ўтган йилда 15 миллиард 960 миллион 359 минг сўм сарф-харажат қилди. Унинг 13 миллиард 181 миллион 351 минг сўми Давлат бюджетидан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан, 2 миллиард 614 миллион 38 минг сўми эса махсус ҳисоб рақамдан йўналтирилди. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловида иштирок этиш харажатлари 164 миллион 969 минг 800 сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловида номзодларнинг сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр этиш учун 127 миллион 12 минг сўм, номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этиш учун 37 миллион 698 минг сўм ва сайловчилар билан учрашувларга 259 минг сўм сарфланди. Фойдаланилмаган 9 миллион 28 минг 700 сўм маблағ Давлат бюджетига қайтарилди.

Давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларнинг 11 миллиард 171 миллион 350 минг сўми ҳамда бюджетдан ташқари маблағларнинг 1 миллиард 52 миллион 353 минг 900 сўми, яъни молиялаштирилган маблағларнинг 76 фоизи иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлар ва ажратмалар учун йўналтирилди.

Партия аъзоларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали материалларни нашр этиш харажатлари 547 миллион 4 минг сўмни ташкил этди.

Мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларига 609 миллион 972 минг сўм, партия фаолларини ўқитиш, семинар-тренинглар ўтказиш харажатларига 6 миллион 240 минг сўм маблағ сарфланди.

Партиянинг матбуот органига 130 миллион сўм молиявий кўмак кўрсатилди.

Бошқа харажатларга 135 миллион 827 минг сўм сарфланди. Хизмат сафари, товар моддий захиралар, алоқа ва ахборот-коммуникация хизмати учун харажатлар 951 миллион 421 минг сўмни ташкил этди.

2017 йил 1 январь ҳолатига ЎзМТДП ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларининг моддий-техник базаси ва иш фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ талаб этиладиган маблағ 805 миллион 91 минг сўм бўлиб, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг ўтган йил 12 майдаги йиғилиш қарорига асосан иш ҳақидан иқтисод қилинган 642 миллион 429 минг сўм ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан йил давомида ажратилган 431 миллион 305 минг сўм маблағ ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари моддий-техник базани мустаҳкамлашга йўналтирилди ҳамда ушбу маблағларнинг 1 миллиард 191 миллион 214 минг сўми тўлиқ ўзлаштирилди.

2018 йил 1 январь ҳолатига партиянинг 606 миллион 927 минг 800 сўмлик товар-моддий бойликлари ва 3 миллиард 995 миллион 913 минг 800 сўмлик асосий воситалари мавжуд. Партиянинг бюджет ҳисоб рақами қолдиғи 1 миллиард 404 миллион 231 минг 900 сўм ҳамда махсус ҳисоб рақам қолдиғи 983 миллион 137 минг 300 сўмни ташкил қилмоқда.

Партия ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар тасдиқланган харажатлар сметасига асосан сарфланди. Харажатлар сметасининг бажарилишида юзага келган вазиятга қараб, ўрнатилган тартибда Марказий кенгаш Ижроия қўмита йиғилишларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига 2018 йилга Давлат бюджетидан 17 миллиард 480 миллион 748 минг сўм маблағ ажратилди.

2018 йил 1 январь ҳолатига партия аъзолари сони 201 минг 586 нафарни ташкил этади. Шундан 73 минг 716 нафари аъзолик бадали тўловчилардан иборат. Йиллик аъзолик бадали қарздорлик билан бирга 1 миллиард 599 миллион 616 минг сўмни, ҳомийлик, хайрия ва бошқа тушумлар 1 миллиард 506 миллион 32 минг сўмни, махсус ҳисоб рақамлардаги қолдиқ эса 983 миллион 137 минг сўмни ташкил этади, жами махсус ҳисоб рақамдаги даромад 4 миллиард 88 миллион 785 минг сўм бўлиши кўзда тутилмоқда.

2018 йил молиявий фаолиятдан келиб тушиши режалаштирилаётган жами даромад 21 миллиард 569 миллион 533 минг сўмни ташкил этиши кутилмоқда ва ушбу даромадлар қуйидагича тақсимланиши режалаштирилмоқда:

Давлат бюджетидан ажратилган жами маблағнинг 88 фоизи барча бўғинлардаги партия ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган тўловлари учун, хизмат сафари, коммунал хизматлар, партия мулкини сақлаш, ижара ва эксплуатация билан боғлиқ харажатларга 6 фоиз, товар-моддий бойликларни харид қилиш учун 0,12 фоиз, партия фаолларини ўқитиш, алоқа ва Интернет билан боғлиқ бошқа харажатларга 5,8 фоиз миқдоридаги маблағ йўналтирилади.

2018 йилда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган харажатлар сметасининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, барча бўғинлардаги партия ходимларининг иш ҳақи, мукофот, моддий ёрдам, пенсия фондига боғлиқ харажатларга 25 фоиз, ягона ижтимоий тўлов солиғи билан бирга 30 фоиз; коммунал хизматлар, партия мулкини сақлаш, ижара ва эксплуатация билан боғлиқ харажатларга 14 фоиз; партиявий тадбирларни ўтказиш, шу жумладан партия фаолларини ўқитиш, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш, партиянинг матбуот органига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларга 23 фоиз; асосий воситалар, жумладан, автотранспорт воситалари, оргтехника, алоқа воситалари, мебель жиҳозлари, товар-моддий бойликларни харид қилиш учун 23 фоиз; партия Устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 10 фоиз тақсимланди.

Ушбу кўрсаткичлар ЎзМТДП Марказий, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларининг 2018 йилдаги эҳтиёжлари ўрганиб чиқилган ҳолда тақсимланди.

Бугуннинг гапи

ТАТИБ КЎРИШДАН АВВАЛ, ОҚИБАТИНИ ЎЙЛА

"ЗАМОНАВИЙ" КАШАНДАЛИК — ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТА ВА ЧИЛИМ ЧЕКИШНИ ТАҚИҚЛАШ МАВРИДИ КЕЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Саволлар ёпирилиб келади: тўрт-беш кишилик зиёфат учун оддий хизматчининг камида бир ойлик маошини тўлаб чиқаётган бу йигит-қизларнинг ота-онаси ҳали талаба фарзандига қандай қилиб шунча пул беряпти? Улар "замонавийлик белгиси" деб биладиган чилим ва электрон сигарета чекишини, ярим тунгача кафе-ресторанларда вақтичоғлик қилишини оила катталари билармикин? Ёки чилим ва электрон сигаретага муккасидан кетиш даражасига бораётган ёшлар унинг зарарли жиҳатларидан бохабарми?..

Ҳа, инсон табиати янгиликка ташна. У хоҳ фойдали, хоҳ зарарли янгилик бўлсин, уни ўз ҳаётида, албатта, қўллаб кўргиси келади. Глобаллашув шиддати онг-қалбимиз ва ҳаётимизда шундай ўзгаришлар содир этмоқдаки, ундаги фойдали жиҳатлардан кўра, зарарлилари тез орада ўз акс таъсирини кўрсатмоқда.



Бироқ статистика барибир қайсар индикатор: БМТ маълумотларига кўра, дунёда кашандалик оқибатида ҳар йили 5,4 миллион, ҳар 6 сонияда 1 киши ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг фикрича, зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, 2030 йилга бориб кашандалик ҳар йили 8 миллион кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлади. Дунёда чекувчилар сони бўйича биринчи ўринда Хитой, кейин Ҳиндистон ва Индонезия туради. Чекиш оқибатида келиб чиқадиган йиллик иқтисодий зарар 200 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмоқда.

Ҳозир кашандаликнинг янги қўринишлари — электрон сигарета ва чилимлар, афсуски, дунё бўйича тамаки чекиш миқдорини кескин оширмоқда. Электрон сигарета ҳам оддий тамакидан фарқ қилмайди, аксинча ундан зарарлироқ. У никотинли картриж, электрон чип, литийли аккумлятор ва миттигина диодли ёриткичдан иборат. Кашанда уни чекканда сигарета ҳидини ҳам, зарарини ҳам сезмайди, ундан фақат сув буғи қўтарилади, холос, деб ўйлайди.

Холбуки, электрон сигарета таркибида қўрғошин, маргимуш ва бошқа токсик моддалар кўп учрайди. Кашандаликка берилиш оқибатида инсон саломатлигини, насллар давомийлигини хавф остида қолдиради. Соғлом турмуш тарзига риоя этаётган инсонлар кашандаларга нисбатан 15 йил узоқ умр кўриши тажрибада исботланган бўлса-да, электрон сигарета яратилганидан буён ўтган муддатда унинг истеъмолчилари сони кўпайса кўпайдики, асло камайгани йўқ.

Чилим зарари эса тамаки маҳсулотларини чекишдан кўра кўп бўлса кўпки, асло кам эмас. Чилим чекиш давомида инсон жуда кўп миқдорда тамаки тутуни ютиб, шунга мос равишда организмга жуда катта миқдорда зарарли моддалар тушиб қолади. Чилим чекиш жараёнида ўта зарарли токсинлар қонга тез сўрилади ва инсон соғлиғига катта путур етказади.

— Тамаки тутунининг таркибида тўрт мингга яқин модда бўлиб, ҳаммаси инсон саломатлигини емириши тажрибаларда исботланган, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ички касалликлар кафедраси доценти Ҳилола Мирахмедова. — У қон таркиби айланишини бузиб, томирларни қотиради. Чекиш оқибатида астма, ўпка саратони, юрак-қон томири, гипертония, оғиз бўшлиғи касалликлари келиб чиқади. Афсуски, мамлакатимизда ҳам "замонавий" чекувчилар сони ортиб бормоқда. Электрон сигарета ва чилим чекиш кашандаликнинг янги турлари сирасига кириб улгурди. Ачинарлиси, кашандалар орасида ўсмирлар ва аёллар ҳам учрайди. Чилим чекиш юрак қисқариши ритмини тезлаштириши сабабли, юрак хасталигига чалинган инсонлар учун жуда хавфли. Чилим ва электрон сигареталарни гуруҳ бўлиб чекиш оқибатида гепатит, стафилакок, сил, грипп ва бошқа шу каби инфекцияларни юқиш хавфи кўп марта ошади, шунингдек, чилим чекиш инсон асаб тизимига ҳам салбий таъсир қилади.

Айтиш жоиз, чилимни тамаки маҳсулотлари ёки мевали аралашмалардан иборат қўшимчалар билан чекишдан қатъи назар оғиз бўшлиғи, тил, лаб, томоқ, ўпка, ошқозон каби органларнинг саратон билан касалланиш хавфи кескин ортади. Тамаки маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган санитар меъёр ва қоидалар талабларига риоя этилган стандарт ва технологиялар асосида тайёрланади. Бироқ чилим чекишда фойдаланиладиган қўшимчаларнинг таркиби номаълум бўлиб, уларнинг сифатига бўлган талаблар қонунчиликда кўзда тутилмаган. Шу сабабли никотинсиз аралашмалар инсон саломатлиги учун барча ёнувчи моддалар каби хавфли ва зарарлидир.

Чекиш жараёнида организмга ис газидан ташқари катта миқдорда хром, никотин, қўрғошин, карбоксигемоглобин ва бошқа зарарли бирикмаларининг тушиши юрак қон-томир, ўпка етишмовчилиги, овқат ҳазм қилиш тизимларини бузилишига, жинсий ва репродуктив қобилиятни сусайтириб онкологик касалликларнинг ривожланишига олиб келади.

Таркибида гавайи атиргули ва мовий нилуфар унсурлари мавжуд бўлган чилим аралашмаларининг инсонга таъсири психотроп ва наркотик воситалардан кам эмас. Шунингдек, чилим чекишда тамаки маҳсулоти ва мевали аралашмалар билан бир қаторда камроқ миқдорда бўлса-да наркотик моддалар ва соғлиқ учун зарарли бошқа ингридиентларни истеъмол қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, фильтр вазифасини ўтовчи сув ўрнига таъсир кучини ошириш мақсадида алкоголь маҳсулотларидан фойдаланилади.

Жамиятнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий вазифаларидан бири, чекмайдиганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, яъни ижтимоий аҳамиятга эга жой, объект ва транспорт воситаларида чекишни тақиқлаш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборатдир. Бироқ ёшлар, аёллар ва ўсмирларнинг миллий қадрият, анъана ва одоб қоидаларига зид бўлган бундай зарарли иллат домига илинаётгани масаланинг нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Шу боис, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тиклиниш" демократик партияси фракцияси чилим ва электрон сигареталарнинг инсон саломатлиги учун зарарли оқибатларини ўрганди. Тадқиқот натижалари чилим ва электрон сигареталарнинг тамаки маҳсулотларига қараганда инсон саломатлигига кам таъсир этиши тўғрисидаги нотўғри қарашларнинг ҳақиқатга зид келишини кўрсатди. Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам айни мақсадда ишлаб чиқилди.

— Мамлакатимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш бўйича конвенциясига қўшилган. Шу боис жойларда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси таъминланмоқда, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Аммо, шунга қарамай, юртимизда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилиш ҳолатлари камайгани йўқ. Айниқса, бу иллат ёшлар ва аёллар ўртасида кўп учраяпти. Бу амалдаги қонунчиликда айрим бўшлиқ ва камчиликлар борлигини кўрсатади. Янги ишлаб чиқилган "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ушбу бўшлиқни тўлдириш ва юртимизда бу иллатга қарши кескин кураш олиб боришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро, бу масала келажак авлод камолотига дахлдор.

— Дам олиш кунлари фарзандларимни уйимиз ёнидаги болалар майдончасига олиб тушаман, улар дўстлари, тенгдошлари билан турли ўйинлар ўйнашади, кичкинтойлар арғимчоқ учишади, — дейди тошкентлик уй бекаси Камола Ҳамроева. — Шундай сайрларимиздан бирида 2 ёшли ўғлим майдончадаги сигарета қолдиғини олиб чека бошлабди, буни кейинроқ пайқаб қолдим. Бу ҳолатдан қандай аҳволга тушганимни тасвирлаб беролмайман. Аввало, ҳали энди ҳаётни таний бошлаган болакай сигарета нималиги ва уни қандай чекишни билиши, иккинчидан ерда ётган тамаки қолдиғидаги тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп миқдордаги зарарли моддалар фарзандимнинг ичига кириб улгургани мени хавотирга солиб қўйди. Шунда қўшниларимдан бири "турмуш ўртоғингиз сигарета чеккани учун болангиз ҳам буни дарров ўзлаштирибди", деди. Аммо, турмуш ўртоғим умуман тамаки чекмайди. Шунда мен фарзандларимни жамоат жойларида бундай манзарага кўп бор дуч келиши, овқатланиш, савдо шаҳобчалари ва кўчадаги сайрларда (ҳатто, баъзан ҳомиладор аёллар ҳам чекаётганига кўзимиз тушади) бу иллат билан аллақачон таниш бўлганини ўйладим. Аҳоли саломатлигига зарар етказиш билан бир қаторда ўғил-қизларимиз тарбиясига жиддий таъсир кўрсатувчи бундай иллатларнинг олди олинса, қонун билан тартибга солинса, ҳар жиҳатдан фойдали бўларди.

— 16 ёшимдан буён сигарета чекаман, — дейди ўзини Сардор деб таништирган йигит. — Бу одат, даставвал, ўсмирликнинг қизиқувчанлиги, қизиққонлиги билан бошланган бўлса, кейинчалик унга ўрганиб қолиб, одатий ҳаёт тарзимга айланди. Унинг соғлиқ учун зарар эканини билсам-да, ҳеч воз кеча олмайман. Олти ойлаб чекмай юрган пайтларим ҳам бўлган, аммо яна тарки одат амри маҳол, деганларидек, кунига 10-12 маҳал чекаман. Бир қути сигарета 2 кунга етмайди. Агар чекишнинг биргина иқтисодий томони ўйлаб кўрилса ҳам, унинг катта зарар эканини англаш қийин эмас. Тан олиб айтаман, кашандалик бекорчилик оқибатида келиб чиқадиган иллат. Агар одам ўсмирлик ёшидан фойдали иш, ҳунар, ўқиш ёки кундалик юмушлар билан банд бўлса, кун тартиби тўғри йўлга қўйилса, ўйлайманки, бундай зарарли одатларга ёндашмаслиги аниқ.

Нима фойда-ю, нима зарарлигини яхши англайдиган ушбу суҳбатдошимиз ўзини кашандалар сирасига киритмаслиги ажабланарли. Унинг айтишича кунига 2-3 қутилаб тамаки чекадиганлар, айниқса, ҳозир электрон сигаретага ружу қўйиб бораётганлар кўп экан. Айниқса, тунги пайтларда кафе, ресторанларда электрон сигарета ва чилим чекиш "урф"га кириб бормоқда.

Кашандаликнинг психологик жиҳатлари ҳам борки, ундан воз кечиш инсон иродаси, психологияси билан боғлиқ ҳолат.

— Кашандалик, асосан, зерикиш, банд бўлмаслик, ўз ҳаётидан норозиликдан келиб чиқади, — дейди psixolog.uz сайти раҳбари, психотерапевт Зебо Аҳмедова. — Аввал қизиқишдан бошланган бу ҳолат йиллар ўтиб чуқурлаша боради. Чекувчи реал эмас, нореал ҳаётни маъқул кўра бошлайди. Нореал ҳаёт — кашандалик, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик кўринишларида намоён бўлади. Кашанданинг иродаси заифлаша боради. Ирода марказининг тўсилиши эса муаммоларни ҳал қилолмасликка, қарамликка олиб келади. Шу боис, ёшларда, аввало, иродали бўлишни тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш, ўзига бўлган ишончини ошириш лозим. Шунда биз иродаси мустаҳкам, иймони бутун, кенг дунёқарашли, ҳеч қандай таъсирларга қарам бўлмаган авлодни тарбиялашга эришамиз. Шунингдек, ёшларда катталарга тақлид қилиш, улар ҳатти-харакатини такрорлашга интилиш кучли бўлади. Ота-онасининг одатлари, вақт ўтиб фарзандида такрорланади. Бу жараёнда катталар ибрати ҳам муҳим аҳамият касб этади. "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали бу ҳолатга чек қўйиш, албатта, ўз натижасини беради.

— Ҳозирги вақтда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тарқатишни чеклаш "Тамаки ва алкоголь маҳсулотларни истеъмол қилиш ва тарқатишни чеклаш тўғрисида"ги қонун ва бошқа алоҳида норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов. — Мазкур қонунда тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга етмаган шахсларга сотишни тақиқлаш, тамаки ва алкогол маҳсулотларининг инсон саломатлигига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувнинг бўлиши, бундай маҳсулотларда инсон соғлиғи ва ҳаётига зарарлилик даражасига рухсат берувчи норманинг киритилиши, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни реклама ва тарғибот қилишга йўл қўймаслик, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқлаш тўғрисидаги талаблар мавжуд. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс тамаки маҳсулотларини жамоат ва транспортнинг рухсат этилмаган жойларида истеъмол қилишни ман этади. "Реклама тўғрисида"ги қонун тамаки ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишни тақиқлайди. "Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўз саломатлигини муҳофаза қилиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Янги қонун лойиҳасида эса ушбу қонун ҳужжатларида эътибор қаратилмаган, яъни ундаги бўшлиқларни тўлдирувчи ва таъминловчи меъёрлар киритилган. Қонун лойиҳасида ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека ва бошқа кўнгилочар масканларда тамаки маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда чилим чекишни тақиқлаш, ушбу қонунни бузганлик учун аниқ жавобгарлик белгилаш, чилим ва электрон сигарета чекиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш кўзда тутилмоқда. Келажагимиз учун дахлдор қонун лойиҳаси аҳоли саломатлиги, фарзандларимиз тарбияси ва миллат генофонди учун муҳим масалаларни ҳал этишда долзарб аҳамиятга эга.

... Орамизда шундай кишилар борки, кашандаликнинг оқибатини била туриб, саломатлиги, оиласи, фарзандларининг келажагига панжа орасидан қараб, унга ружу қўяди. Мутахассислар фикрича, соғлом турмуш тарзини яратишда, аввало, тамаки маҳсулотлари истеъмолига чек қўйиш зарур. Худди шундай электрон "кашандалик" ҳам шакли ўзга, зарари ва оқибати бир хил бўлган глобал муаммолардан. Бу иллатнинг илдизини тезроқ қирқиш учун кўнгилочар жойларда чилим чекиш билан боғлиқ хизматлар турларини кўриб чиқиш, уларни қонун билан тақиқлаш кундан кун долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, бугун чекишнинг замонавий турларини ҳаётида қўллаб кўришни хоҳлаётган ёшларни хорижий тилларни пухта ўрганиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, илм-фанда янгилик киритиш ва янгича яшашнинг замонавий шаклларини ўзлаштиришга йўналтириш катта авлод вакилларининг муҳим вазифасидир.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Алишер Навоий ижодий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон маданияти ва цивилизацияси ривожида ҳам алоҳида ўрин тутади. Унинг асарларида чуқур фалсафий фикр, комил инсон ғоясининг бўртиб туриши китобхонни бефарқ қолдирмайди. Буюк шоир асарлари барҳаётлиги, аввало, унинг ҳам умуминсоний ғоялар, ҳам теран илдизлар — халқ оғзаки ижоди билан тўйинганлигидадир.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ

БУЮК МУТАФАККИР ИЖОДИДА



Атоқли олим Натан Маллаев Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди мавзуси ҳақидаги йирик тадқиқотида шундай дейди: "Халқ ижодиёти санъаткорларга илҳом, куч-қувват ва маҳорат бағишлайди. Халқ ижодидан баҳраманд бўлмаган бирор буюк санъаткорни тасаввур этиб бўлмайди. Сўз санъаткорларининг фольклор асарларидан ижодий фойдаланиши ёзма адабиётнинг тараққийсига, шу билан бирга, халқ асарларнинг сақланиб қолиши ва янгича умр кўришига хизмат қилади." Бу тадқиқотлар кейинчалик "Алишер Навоий ва халқ ижодиёти" номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди.

Ушбу китоб ўзбек ва халқаро навоийшуносликда катта маданий-маърифий ҳодиса характеридаги тадқиқот саналади. Унинг анъаналари асосида мустақиллик даври навоийшунослигида бу мавзу Маматқул Жўраевнинг "Эл деса Навоийни..." китобида ва Шуҳрат Сирожиддиновнинг "Алишер Навоий манбаларининг қиёсий, типологик, текстологик таҳлили" китобининг алоҳида бир бобида, Ёқубжон Исҳоқовнинг эса "Сўз санъати сўзлиги" китобида берилган "Ирсоли масал", "Марсия", "Муболаға", "Сажъ", "Суруш", "Талмеҳ", "Тансиқ ус-сифот" каби мақолаларда алоҳида ўрганилган.

Умуман, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бошқа тадқиқотларда ҳам мазкур мавзу юзасидан у ёки бу даражада фикрлар, мурожаатлар, изоҳ ва шарҳларни ўқишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, улуғ шоир ўз асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, айрим миф, афсона, ривоят, ибора ва қуйма поэтик қолиплардан маҳорат билан фойдаланган. Унинг ижодида, айниқса, миф ва афсоналарга кенг ўрин берилган. Аторуд каби юлдуз билан боғлиқ рамзий образлар, Сотих қоҳин, Салосил дев, Судо афсуни каби халқ афсона ва ривоятларининг бадиий талқинлари ана шулар жумласидандир.

Алишер Навоий ҳатто дунё халқлари ва ўзбек халқ эртаклари аввалида айтиладиган машҳур бошланмани қофияга тушириб "Ҳамса"да "Бир бор эди-ю, бир йўқ эди" равишида қўллаган. Бу унинг ғазалларида ҳам учрайди. Дарҳақиқат, "Сабъаи сайёр" достонида ёзган "Аввалги иқлим йўлидин кетурган мусофирнинг фасона демаги" номли бобида, биринчидан, ушбу бошланмани вазн, тил қоидалари, услуб талаби ҳамда ҳикоя мазмунига мувофиқ тарзда маҳорат билан ишлатган, иккинчидан эса китобхонни ўз асарига нисбатан ҳайрат ва қизиқишини орттириб ўз муддаосига тўлиқ эришган. Чунончи:

Бору йўқ чун дуоки билди деди:
Деди: "Бир бор эди-ю,бир йўқ эди.
Ҳинд мулкида бор эди шоҳе,
Шоҳлиғ ишларидин огоҳе..."

Достонда тасвирланган қолган олти мусофирнинг ҳикоятида улуғ шоир мазкур бошланмани қўлламаган ва улар айтган ҳар бир ҳикоятни "дедики" шаклида бошлаган ҳамда мароқ билан баён қилишда давом этган.

Мумтоз адабиётимиз намояндалари қаторида Алишер Навоий ижодида, яъни у қўллаган 16 жанрда энг кўп учрайдиган анъанавий характердаги мифологик рамзий образ Аторуд (Уторуд, Меркурий — сайёра номи) саналади. Мифологик қарашларга кўра, Аторуд ёзувчи ва шоир, санъаткор, умуман, донишмандликнинг ҳомийси ҳисобланади. Алишер Навоий "Ҳамса"да сўз, қалам ҳақида васфлар битар экан, Аторуд сайёраси ҳақидаги мифологик қарашларга ҳам ишора қилган ўринлар учрайди:

Рақам азмиға йўнғач хома бошин,
Аторуд йиғди сочилғон тарошин.

Салосил (силсила сўзининг кўплик шакли; занжирлар дегани) — тоғ устидаги қўрғон номи. Эл орасида жуда машҳур бўлган қўрғон. Ривоятларга кўра, бу қўрғонни дев Салосил қурган бўлиб, бу ҳақида Алишер Навоий шундай ёзади:

Ясаб деви ҳамул қўрғонни ҳосил
Ки, бор эрмиш анинг от Салосил.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони сюжетига кўра, Хусрав Парвез вазири Бузург Уммид маслаҳати билан Фарҳодни бир шайтоншева ҳийлакор ёрдамида ҳийла-найранг ишлатиб, қўлга туширади ва банди қилиб Салосил қўрғонига қамаб қўяди.

"Дам бу дамдир" — халқона сайёр ҳикмат, халқ достонларида асардан-асарга кўчиб юрадиган бадиий қолип ёки фольклоршунослар тили билан айтганда услубий формула. Халқ достонлари, жумладан, "Алпомиш" достони матнида, яъни Ёртибой оқсоқолнинг Бойсарига қарата айтган "Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема, бошинг эсон, давлатингни кам дема" ёки Бойбўрининг ўғли Алпомишга қарата айтган "Дам шу дамдир, ўтган дамни дам дема, ростин айтсам, шу давлатни кам дема" каби насиҳатларида ҳам учрайди. Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"нинг 124-танбеҳида бир турк (халқ вакили) сўзи шаклида ёзади ва ушбу халқона сайёр ҳикмат асосида шоҳ байт битади: "Бир турк бу маънида дебдурким: "Дам бу дамдур".

Байт:

Мозию мустақбал аҳволин
такаллум айла ком,
Не учунким дам бу дамдур,
дам бу дамдур, дам бу дам.

Улуғ шоир бу халқ ҳикматини такрор санъати ёрдамида такрор-такрор қўллайди ҳамда бу ўткинчи дунё — карвонсаройда инсон фақат ўтмиш ёхуд келажаги ҳақида гапирмай, Оллоҳ тўла қалби билан бугунидан ҳам огоҳ бўлиши, уни обод қилишни ўқтиради.

Сотих қоҳин — сосонийлар давлати ҳукмронлиги даврида яшаган машҳур қоҳин номи. Алишер Навоий "Тарихи мулуки Ажам" асарининг "Нўширавон ул одил бинни Қубод" зикрида Сотих қоҳин номини ёдга олади. Асарда берилган тасвирга кўра, Муҳаммад с.а.в. туғилган кечада оташкададаги неча минг йил ўчмаган олов ўчади, Сова дарёси қуриди... Бу ҳолатдан таажжубга тушган Кисро саройига Сотих қоҳинни чақиртириб, бу ҳолатнинг сабабини, кайфиятини изоҳлаб, тушунтириб беришни сўрайди. Шунда Сотих қоҳин бу ҳолат ва кайфиятлар сабабини, бу кеча Арабнинг Қурайш қабиласида бир боланинг туғилганида, ўн икки киши ҳукмдорлигидан сўнг форс мулки, давлатининг таназзулга юз тутишида, деб айтади ва асар мазмунига кўра, келажакда Сотих қоҳин айтган башоратлар тўғри бўлиб чиқади.

Даллат ул-муҳтола — афсоналарда ҳийла, макр билан ном чиқарган машҳур маккора хотин — "ҳийлаи шум". "Фарҳод ва Ширин" достони сюжетига кўра, сарой аъёнлари шоҳ талаби билан Даллат ул-муҳтолани топиб, Хусрав Парвез ҳузурига олиб келади. Бу тасвирда Алишер Навоий муболаға санъатидан фойдаланганини кўрамиз ва у маккоранинг макрини ишга солган шоҳни кескин қоралаб афсусу надомат билан шундай ёзади:

Атаб кўк пиразоли хола они,
Ано деб Даллат ул-муҳтола они.

Барқандон — Рамазон ойи яқинлашиши муносабати билан шаъбон ойи охирларида ўтказиладиган маҳсус базм, суҳбат, маросим. Алишер Навоий ўзи ҳам шаъбон ойида рўзага ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, кутиш билан боғлиқ ҳолатлари тўғрисида "Вақфия" асарининг "Равотиб" қисмида алоҳида ёзган. Унинг ўзи ҳам бундай барқандонларни нафис мажлислар тарзида ўтказган, бу мавзуни шеърларида ҳам бадиий талқин қилган. "Рўзаву гул еттию ичмас, у ой гулгун қадаҳ" деб бошланувчи, 9 байтли, "қадаҳ" радифли ғазалида ёрининг барқандон қилишга ҳаракат бошлаганини эшитган лирик қаҳрамон, ёрим барқандонда мени ҳам ёдга олиб, лутфу иноятини раво кўрадими, деган нек ниятини соқийга мурожаат тарзида ифодалаган. Барқандон маросими Навоийнинг мазкур ғазални ёзишига туртки бўлган. Буни ғазалнинг характерли, охирги хулосавий байтидан — мақтасидан билиш мумкин:

Эй Навоий, бизни ёд эткайму
барқандон куни,
Ичса жоми Жам тилаб сонийи
Афридун қадаҳ.

"Маҳбуб ул-қулуб" асарининг "Деҳқонлар зикрида" номли 31-фасли халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган, қўш, хирмон каби мавсум-маросим қўшиқларини ёдга солади. Бундан ташқари Навоий асарларида болалар фольклори, хусусан, болалар ўйинларининг турлари ҳақида ҳам кўплаб маълумоту изоҳлар берилган.

Мухтасар айтганда, халқ оғзаки ижоди Навоий асарларига адабий манба, маънавий хазина, фалсафий сарчашма сифатида хизмат қилган бўлса, улуғ шоир адабий мероси, ўз навбатида, туркий, форсий халқлар, жумладан, ўзбек фольклорини ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга.

Буробия РАЖАБОВА,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Миллий мерос

МАҚОМ САНЪАТИНИНГ МАҚОМИ ЮКСАЛАДИ

...1997 йил август ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивали кунлари Германиядан ташриф буюрган созанда Томас Оггер ижросида чанг чолғу асбобида Регистон узра ажойиб мусиқа янгради. Кўп сонли мухлисларни ўша дам битта савол қизиқтирарди: Германия Бах, Бетховендек буюк композиторларнинг Ватани бўлса, уларнинг юртдоши бўлмиш созанда Оггернинг Шарқ мусиқа санъатига юзланганининг боиси нима?

Эртаси куни "Афросиёб" меҳмонхонасида айнан шу савол билан унга мурожаат қилдим.

— Европада мусиқа санъати техник ҳодисага айланганга ўхшайди, — деган эди Томас Оггер. — Айни пайтда Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда миллий мусиқага эътибор кучайиб бораётгани қувонарли ҳол. Биласизми, сизлардаги миллий мусиқа, айниқса, мақом санъатида илоҳийлик бор. Ростини айтсам, мени мақом сеҳри Самарқандга, ушбу мусиқа фестивалига ундади. Бу заминнинг ҳар бир гўшаси асрлар оша мерос бўлиб келган мумтоз санъат намуналарига бой. Ўзбек халқи бошқа санъат турларига сира ўхшамас дурдоналарнинг ворисидир...

Мақом тароналарини болаликдан яхши кўраман. Чунки уйимизда Ҳожи Абдулазиз Расулов, Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Бобоқул Файзуллаев, Барно Исҳоқова, Берта Давидова ва яна ўнлаб мақом ижрочиларининг пластинкалари бўларди. Меҳмон келганида, албатта, мумтоз мусиқа намуналари, хусусан Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Олмахон Ҳайитова, Фахриддин Умаров ва Боймуҳаммад Ниёзовнинг қўшиқлари сухбатларга мазмун ва завқ бағишларди. Немис халқи вакилининг афсонавий Регистон майдонида айтган сўзлари эса қалбимдаги мақом санъатига бўлган меҳрни янада ошириди.

Ўша кунлари саҳнага чиққан Муножот Йўлчиеванинг ижрочилик санъати ҳам япониялик таниқли мутахассис, профессор Хорума Кашибо хоним раислигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди. Учинчи халқаро фестивалда Насиба Сатторова ҳам дунё аҳлини лол қолдириб, бу шукуҳли санъат байрамининг асосий мукофотини эгаллади.

Ўзбек миллий мақом санъати дарғаларининг дунё саҳналаридаги ютуқлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Дортмунд университети профессори Теодор Левин (АҚШ), франциялик мутахассислар Жон Гутье, Мино Род, Жан Дюринглари ҳам мақом санъати мафтун этган, улар бу бебаҳо мерос ҳақида мақолалар ёзган. Фаттоҳхон Мамадалиев, Турғун Алиматов, Абдуҳошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева, Матлуба Дадабоева, Зулайҳо Бойхонова ҳам Европа саҳналарида юксак миллий санъатимизни намойиш этиб, мухлислар қалбини забт этгани рост. 2003 йил "Шашмақом" ЮНЕСКО томонидан башариятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Мақом санъати тингловчини Алишер Навоий, Огаҳий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий каби буюк сўз алломалари меросига яқинлаштиради. Мақом санъати — мумтоз адабиёт талқини ва унинг таъсирчан тарғибот воситаси ҳам дегани. Сўз ва мусиқа жон билан тандек. Буюк бастакор Мутал Бурҳонов: "Марказий Осиё халқларининг ўтмиши, ҳозирги ва келажак мусиқий маданиятини Шашмақомсиз тасаввур этиш мумкин эмас", деб ёзган эди.

Маълумки, мақом санъати яқин ўтмишда тарихнинг ноҳақ зарбаларига дучор бўлган. Бу беназир миллий қадриятимизни асраш, янада ривожлантириш осон кечмаган. Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова бир сухбатимизда Ўзбекистоннинг оқил раҳбари Шароф Рашидов ҳам мақом шайдоси бўлганлиги, академик Юнус Ражабийнинг мақомни тарғиб этиш, унга сайқал бериб бориш йўлидаги заҳматларини ҳамиша қўллаб-қувватланганлигини таъкидлаган эди. Самарқандда 1997 йилдан буён бугунга қадар ўн бир марта ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳам бевосита мумтоз мусиқамизнинг жаҳон мусиқа оламида ўз мақомини топаётганидан дарак беради. Фестиваль доирасида мақом санъати муаммоларини қамраб олган илмий-амалий анжуманлар ташкил этилиши ҳам, албатта, бежиз эмас.

Лекин шунга қарамай бой миллий қадриятимизнинг аҳралмас қисми ҳисобланмиш мақом санъатининг тарғиботи сўнгги йилларда унинг мақомига муносиб йўлга қўйилмаган эди. Жумладан, мақом намуналари телерадио дастурларидан ахён-ахён жой оларди. Атоқли мақом ижрочилари ҳақида тадқиқотлар ҳам етарли эмас эди. Ҳозирда ҳам гоҳида кўрсатув, радиоэшиттиришларда мақом таркибида бўлмаган халқ қўшиқлари, ашулаларни мақом тароналари сифатида талқин этиш ҳоллари кузатилмоқда. Мақомшунослар давраси, баҳсу мунозараларини одамлар соғинган.

Шу нуқтаи назардан мавжуд муаммоларни ҳал этиш, мақомнинг мақомини миллий ва халқаро даражада юксалтириш мақсадида қабул қилинган Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни муддао бўлди. Қарорга мувофиқ ташкил этилган Ўзбек миллий мақом санъати маркази зиммасига улкан ишлар ва масъулият юклатилган. 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ташкил этиш эса шак-шубҳасиз мақом ривожига катта туртки бўлади. Агар Ҳожи Абдулазиз, Юнус Ражабий, Левича Бобохонов, Ориф Алимахсумов, Турғун Алиматов каби мақом устозларига бағишлаб танловлар ўтказилса, улар босиб ўтган йўл, ижролари хусусида ҳужжатли фильмлар яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугун мақомот тарихи, унинг шакланиш ва ривожланиш масалаларининг илмий-амалий аспектларини мукаммал ҳамда муфассал ўрганган ва ёшларга ўргатаётган етук олимлар, мутахассисларимиз бор. Давлат мукофоти совриндори, атоқли олимимиз Отаназар Матёқубовнинг "Мақомот", "Бухоро Шашмақомига яна бир назар", икки жилддан иборат "Узбекская классическая музыка" ("Ўзбек классик мусиқаси") китоблари ёки Исҳоқ Ражабовнинг "Мақомлар" монографияси, Файзулло Кароматли, Оқил Иброҳимов ва яна кўплаб мутахассисларимизнинг тадқиқотлари қайта нашр этилса, китоб қилинса, жамоатчиликка етиб борса нур устига нур бўлади. Бундан ташқари Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг "Рисолаи мусиқий" асари бугунги авлодга етказилса, мақом санъати, унинг тарихи ва ижрочилари асосида "Мақом" энциклопедияси тайёрланса, бу соҳа янада ривожланиши, шубҳасиз.

Шоҳаҳҳор САЛИМОВ,
журналист

Миллий ғурур

...Болалиги Самарқанднинг Булунгурида ўтди. Бувисининг сеҳрли ривоят ва эртаклари оғушида улғайди. Кейинчалик юртимизнинг қадимий осори-атиқалари, улар қаридаги тарих, эртакнамо боғлар фусункорлиги уни буткул мафтун этди. Улар ҳақида жўшиб ёзгиси, донгини дунёга достон этгиси, шундай жаннатмакон диёр тароватини ўзга мамлакат одамларига ҳам борича етказгиси келарди.

ОРЗУ МАҚСАДГА АЙЛАНДИ

Орадан йиллар ўтди. Ширин орзуларини мақсадга айлантириши учун чет тилларни ўргана бошлади. Сўнг инглиз тилидаги мақолалари бирин-кетин матбуот юзини кўра бошлади...

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 4-босқич талабаси Дилшодабону Аввалбоева юртимиздаги фаол ёшлардан бири. 2017 йилда унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясининг таълим йўналиши (журналистика) совриндори бўлиши ҳам, албатта, бежиз эмас.

— Дилшодабону интилувчан, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши, қийинчиликлардан чўчимаслиги сабаб профессор-ўқитувчилар ва тенгдошлари эътиборини қозонган, — дейди университетнинг халқаро журналистика факультети декани Алишер Матёқубов. — Унинг, айниқса, ёшлар муаммоларини матбуотга дадил олиб чиқаётгани таҳсинга сазовор.

Дарҳақиқат, бир неча йилдан буён Дилшодабону "Ёшлар овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Куч — адолатда", "Ҳуррият", "Янги авлод" каби марказий газета ва журналларда, kun.uz, norma.uz, sharh.uz, tafsilot.uz, telegraf.uz, tnews.uz каби ҳуқуқий ва таҳлилий, ахборот сайтларида ёшлар ҳаёти ва муаммоларига оид юздан ортиқ мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Қатор мақолалари ихтисослашган халқаро ва республика илмий журналларида, конференция тўпламларида чоп этилди. Хусусан, жорий йилда Дилшодабону Аввалбоева Австриянинг Вена шаҳрида, Россиянинг Москва ва Чита шаҳарларида ўтказилган илмий конференцияларда муваффақиятли иштирок этди.

Шунингдек, 2017 йил 9-10 август кунлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этган "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика конференциясида фаол иштирок этди.

Иқтидорли талабанинг шу кунгача "Рекламанинг телевидение тараққиётига таъсири", "Пресс-релиз қандай ёзилади?", "Биз билган ва билмаган дунё", "Имо-ишора тили" каби услубий қўлланма ва рисолалари китоб ҳолида чоп этилган. Машҳур адиб Дейл Карнеги асарларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, тўплам ҳолида нашр эттирди. Буларни ҳам албатта, ўқувчилар илиқ кутиб олди.

— Ҳозирги кунда "Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзусида илмий изланишлар олиб боряпман, — дейди Дилшодабону Аввалбоева. — Чунки мамлакатимизда 18 ёшгача бўлганлар аҳолининг 35, 30 ёшгача бўлганлар эса 64,5 фоизини ташкил этади. Бу ҳар уч кишининг иккитаси ёшлар, дегани. Шундай экан, аввало, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш устувор вазифалардан саналади. Бу вазифани самарали амалга ошириш учун эса ёшларга давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти ҳақида кўпроқ маълумот бериш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлардан уларни доимий равишда хабардор қилиб бориш механизмларини янада такомиллаштириш лозим.

Ёш иқтидор эгаси илмий изланишлар олиб бориш билан бирга республика миқёсида ташкил этилаётган танловларда ҳам мунтазам қатнашиб келмоқда. Масалан, ўтган 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўтказган "Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари — журналист нигоҳида" кўрик-танловининг "Энг яхши Интернет материал" номинацияси ғолиби деб топилди. "Амалиёт эътирофи — 2017" танловининг илмий мақолалар йўналишида ҳам биринчиликни қўлга киритди. Шунингдек, у Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзоси сифатида партия ўтказаётган турли танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда.

Дилшодабону Аввалбоева 2013 йил Олий Мажлис палаталари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил қилган "Парламентаризм билимдони" кўрик-танловида ҳам ғолиб чиққан эди. 2016 йилда АҚШдаги "Sahar" онлайн мактабининг "Ижтимоий фаоллик ва онлайн медиа" курсини муваффақиятли тамомлаб, махсус диплом соҳиби бўлди.

Мухтасар айтганда, Дилшодабону Аввалбоева Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш, журналистика соҳаси ривожида янгиликлар яратиш ва устозлар ишончини оқлаш, ўз олдига қўйган мақсадларига етишиш йўлида дадил қадамлар ташламоқда. Энг муҳими, у ўз олдига қўйган мақсадларига осонгина эришиб бўлмаслиги, бугунги машаққат эртанги роҳат эканлигини теран англайди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Маданият алифбоси

Ҳар куни катта-кичик давраларда бўламиз, кўпчилик билан муомала қиламиз, хуллас, муносабатлар ичида яшаймиз. Аммо жуда оддий кўринган бу ҳаракатларнинг ҳам ўз одоби, нозик жиҳатлари бор. Ҳикматларда "одоб буюк тождир, уни кийгин-да, қайга борсанг боравер", деб бежиз айтилмаган.

ТОМОШАБИН ВА МАДАНИЯТ МАСКАНИ: ОДОБНИ УНУТМАНГ!

Ҳақиқатан ҳам одоб тожини кийган киши одобсизлик қилмайди. Бироқ борган жойини унутиб қўйиб, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам беҳурматлик билан қарайдиган кимсалар ҳам борки, улар бугун маълум бир маънода жамиятга-да ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Маданият масканлари ҳар куни томошабинлар билан гавжум. Ахир "яхши дам — меҳнатга ҳамдам", деб бежиз айтилмаган. Концерт, театр, кино, хуллас, ҳаёт ташвишларидан бир зум бўлсада чалғитадиган, кўнгилга ором бағишлайдиган гўшаларда ҳордиқ чиқарамиз, маънавий озуқа оламиз. Аммо сўнгги пайтларда мазкур масканларда, жамоат жойларида кузатилаётган айрим ҳолатлар киши кайфиятини бузиб, ўзини зиёли ва маданиятли деб билган ҳар бир инсоннинг ғашига тегаётгани ҳам айни ҳақиқат.

...Саҳна асари қўйилишидан аввал гарчи театр маъмурияти томоша маданияти ва қоидаларини эслатиб ўтса-да, айрим томошабинлар спектакль бошланганидан ўрнидан туриб юришни, уяли алоқа воситасида бемалол ва бамайлихотир гаплашишни ёки ёнидаги шериги билан чақчақлашиб ўтиришни ўзига эп кўраётгани таассуфли. Ёки бундай маънавият масканларида баъзан писта чақиб, атрофини худди ахлат ташланадиган жой ҳолатига келтириб қўядиган кишиларнинг ҳам учраши бор гап.

— Энг ёмони айрим томошабинлар сақич чайнаб ўтиргани етмагандай, сўнгра уни ўзи ўтирган ўриндиққа ёпиштириб кетади, — дейди Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри фарроши Фотима Туропова. — Баъзан кетма-кет томоша бўлиб қолса, театр залини тозалашга улгуролмай ҳам қоламиз. Кейинги томошага ташриф буюрган томошабинда театр доим худди шундай ҳолатда бўладигандек таассурот қолдиради. Писта пўчоғидан оёқ босишга жой тополмайсиз. Гоҳида эса гиламларга ёпишиб қолган сақичларни пичоқ билан қириб олишимизга тўғри келади. Бунда, албатта, театр маъмурияти тозалик учун томошабин олдида хижолат чекади.

Ҳамма жойнинг ўз қонун-қоидаси бор. Булар хоҳ ёзилган, хоҳ ёзилмаган бўлсин, инсон томонидан онгли равишда тушунилиб, амал қилинаверади. Бу, албатта, кишининг фаҳму фаросати, заковати ва дунёқарашига боғлиқ.

— Спектаклларимиз асосан кечки пайтда намойиш этилгани боис катта ёшдаги томошабинлар театрга келса-да, тартиб-интизом борасида ўзларини ёш болалардек тутиши ачинарли, — дейди Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри назоратчиси Гулнора Зуннунова. — Ҳолбуки, назоратчилар учинчи қўнғироқдан сўнг кечикиб келган томошабинларни театрга киритмасликка ҳаққи бор. Бир куни ярим соат кечикиб келган томошабин назоратчидан учинчи қатордаги жойида ўтириши кераклигини талаб қилди. Бу пайтда унинг жойига аллақачон бошқа томошабин ўтирганди. Чунки залда чироқлар ўчганидан сўнг кечиккан ёки келолмай қолганларнинг ўрнига бошқа томошабиннинг ўтириши табиий. Назоратчи унга вазиятни аранг тушунтириб, бошқа жойга ўтқизишга эришди. Аслида уни умуман киритмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо биз андиша қилдик. Бу ҳол саҳнада рол ижро этаётган актёрларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай вазиятда улар асабийлашиши, сўзларини эсидан чиқариши мумкин.

Бундай ҳолатларни концерт залларида ҳам кузатиш мумкин. Яқинда "Истиқлол" санъат саройига концерт томошасига бордик. Шинам ва ёруғ санъат саройи, юмшоқ ўриндиқлар, нозик дид билан безатилган саҳна. Концерт бошланишига оз фурсат қолган бўлса-да, залда томошабин сийрак. Одамлар ҳали келиб улгурмаган. Шу сабаб концерт белгиланган вақтдан ўтиб бошланди. Ҳамон одамлар узун-қисқа бўлиб, кимдир боласини йиғлатиб, қувлаб, ҳой-ҳойлаб кириб кела бошлади. Саҳнадаги хонанда-ю, созандалар ҳар замон ҳар замон кириб келаётганларга қараб қўяди. Улар эса худди "керак бўлса кутасан-да" дегандек бемалол кириб келишяпти. Ана шундай томошабинлар ичида бир эмас, уч нафар кичик ёшдаги боласини етаклаб олган аёл ҳам бор экан. У ўзи ва болалари билан дам олишни, ёқтирган хонандасининг қўшиқларидан тинглашни ният қилиб келгандир, лекин болаларнинг шовқинидан атрофдагиларнинг безовта бўлиши-чи? Хуллас, томоша ичидаги "томоша" бошланди.

Энди диққатингни жамлаб, қўшиқ эшитаман, десанг, "фалон қатор қаерда?", деб яна кечикиб келувчилар пайдо бўлди. Уни ўрнига энди ўтқазиб, қўйишганди ҳамки, йўлакда ясан-тусан қилган бир аёл телефонда гаплашиб кимнидир қидириб ўтиб қолди. Қидирган дугонаси ҳам ўрнидан туриб уни имлади. Аёл ҳамроҳининг ёнига борди. Шунча одамни безовта қилгани бир бўлдию, икки дугонанинг узундан-узоқ сўрашгани бир бўлди. Тўғриси, бу ҳолатга кулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан, шундай пайт кўнглингдан концертга келмасам бўларкан, деган ўй ўтади. Концерт томошасига келганлар санъаткорга миннатдорлик сифатида гуллар олиб келса, мақсадга мувофиқ, бироқ ҳали айтганимиздек егулик олиб кириб, худди тамаддихонада ўтиргандек овқатланиш билан машғул бўлса, яна таъбингиз хира бўлиши аниқ.

...Мана шундай ҳолатлар билан концерт ҳам охирлаб қолди. Хонанда Ватан ҳақида қўшиқ куйлай бошлади. Бу санъаткор репертуаридаги сўнгги қўшиқ эди. Томошабин у тугамасиданоқ қўзғалишни бошлади. Ўйлаб қоласан, ўзини маданиятли, тарбияли деб билган киши туғилиб ўсган диёри мадҳ этилаётган қўшиққа тоқат қилолмай чиқиб кетишга шошилишини қандай тушуниш мумкин?

Шундай оғир ўйлар ичида ўтираркансиз саҳнада концерт ташкилотчиларини таништириш бошланди. Залдагилар худди асирликдан қутилгандек ўзини эшикка уряпти. Кўрган кўз хижолат...

Эшик олдидаги назоратчилар ҳам шу андишада томошабинга қаттиқ гап айтолмаса керак. Улар чипталарни текшираётганда ёш болали томошабинларга эътирозлар борлигини, кечикиб келадиганлар учинчи қўнғироқдан кейин залга қўйилмаслигини ҳар гал эслатишади. Айтилган вақтида бориб, вақтида қайтишни, умуман меҳмонга хос одобга риоя этишни билган киши ўзини ҳурмат қилиш билан бирга уларга хизмат қилган мезбонга ҳам иззат кўрсатган бўлади.

Умуман олганда, одамларнинг томоша маданиятини шакллантириш, ўзини ҳурмат қилиш борасидаги маънавий-маърифий ишларни кенг кўламда олиб бориш керак. Бу борада олий ва ўрта таълим ўқув юртларида маънавият сабоқлари ўтилиши эътиборга молик. Маданият масканларида ҳам "Томошабин одоби" мавзусида мулоқотлар ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, дунё халқлари ўзбек халқи маданияти ва маънавиятини юксак дея эътироф этишади. Демак, бу эътирофни сақлаб қолиш учун ҳар бир хатти-ҳаракатимизга эътиборли бўлмоғимиз лозим.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими

МММда

СЕРГЕЛИ МЕТРО ЙЎНАЛИШИ:

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҚЎЛЛАНИЛМАГАН ЯНГИЧА УСУЛ

Тирбандликлар сабаб шаҳар кўчалари бўйлаб автоуловда ҳаракатланиш тобора қийинлашиб бормоқда. Бунда метро йўловчилар учун энг қулай ва тезкор қатнов транспортига айланяпти. Шу боис мамлакатимизда мазкур қатнов тизимини замон талабларига мослаштириш, йўловчиларга қатор қулайликлар яратиш ва янги қатнов йўналишларини ташкил этиш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳрида Сергели ва Юнусобод йўналишидаги метро қурилиши, пойтахтимиз атрофидаги катта ҳалқа йўли бўйлаб ҳаракатланувчи ер усти метроларининг қурилиш жараёни ва бу борада қўлланилаётган технологиялар, ўтган йил таҳлили ҳамда жорий йилдаги режаларга бағишланган брифингда маълум қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда пойтахтимизда метро қурилиши бўйича учта йирик лойиҳа — Сергели, Юнусобод ва халқа метро йўли қурилиши амалга оширилмоқда.

Узунлиги 7,1 километр бўлган Тошкент метрополитенининг Сергели йўналишида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этяпти. Лойиҳа умумий қиймати 170,1 миллион АҚШ долларига тенг мазкур йўналиш 2020 йилга қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

— Эътиборлиси шундаки, Сергели метро йўналиши ҳали Марказий Осиёда қўлланилмаган, бутунлай ўзгача эстакада усулида бунёд этилмоқда, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари, "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси раҳбари Ойбек Худойқулов. — Мазкур йўл кўприксимон шаклда бўлиб, аввалгиларидан фарқли ўлароқ бу поездлар ер устида ҳаракатланади. 6 та бекатдан иборат бўлиши кўзда тутилган ушбу йўналишда қурилиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Поездлар тўхташ маскани, яъни бекатлар 4 вагондан иборат метро поездига мўлжаллаб қурилади. Бекатларда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида махсус лифт ҳамда эскалаторлар ҳам ўрнатилади.

"Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши" лойиҳасининг умумий қиймати 124,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у 2019 йилда тўла ниҳоясига етказилади. Ҳозирда бу объектда 100 дан зиёд малакали муҳандис ва ишчилар, 40 га яқин махсус техникалар жалб этилган. Айни пайтгача қурилишнинг пойдеворини тайёрлаш ва тупроқни чиқариб ташлаш ишлари якунланган. Қурилиш ишлари якунига етгач, мазкур йўналишда яна икки бекат ишга тушади.

Ер усти метро ҳалқа йўли қурилиши учинчи лойиҳа бўлиб, унинг умумий узунлиги 52,1 километр. Ушбу йўналиш бўйича поездлар соатига ўртача 60 километр тезликда ҳаракат қилиб, ҳалқа бўйлаб йўлни 1 соату 10 дақиқа оралиғида босиб ўтади. Лойиҳанинг дастлабки босқичида Тошкент метрополитенининг "Дўстлик" бекатидан Қўйлиқ деҳқон бозоригача бўлган 8 бекатдан иборат қисми бунёд этилади. Кейин у "Олмазор", "Беруний", "Бодомзор" ҳамда "Тузель" бекатлари орқали яна "Дўстлик" бекатига туташиб, яхлит метро ҳалқасини ҳосил қилади. Бундан ташқари, иккита вагон депосини қуриш ҳам мўлжалланган. Лойиҳа режасига кўра, мазкур метро йўли Яшнобод, Учтепа, Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманлари ҳудудидан ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қурилаётган метро қурилишига Германия, Италия, Хитой, Сербия каби давлатларнинг энг илғор компания ва корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, замонавий техникалар олиб келинган. Бу эса иш сифати ва самарадорлигини оширмоқда. Ўрта Осиёда ягона бўлган иккита 220 тонналик юкни кўтара оладиган занжирли кран, учта 70 тонналик юқори аниқликда ишлайдиган автокран, шунингдек, мобиль бетон заводи ва ўндан ортиқ металлопрокатга ишлов берувчи ускуналар, ўта оғир — 350 тонна юкни ташишга мўлжалланган автоуловлар ҳамда бурғулаш воситалари ҳам қурилишга жалб этилган.

Анжумандан сўнг журналистларга мазкур қурилиш ишлари билан яқиндан танишиш учун имконият яратиб берилди.

И. НОРМАМАТОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

ТУРКИЯ ПАРЛАМЕНТИ

ЭНДИ 18 ЁШГА ТЎЛГАН ФУҚАРОЛАР ҲАМ ДЕПУТАТЛИККА ЎЗ НОМЗОДИНИ ИЛГАРИ СУРИШИ МУМКИН

Туркия Республикаси — Осиёнинг ғарбий ва Европанинг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Ҳудудининг 97 фоизи Кичик Осиё ярим оролида, 3 фоизи Европада. Шимолдан Қора денгиз, ғарбдан Эгей денгизи, жанубдан Ўрта ер денгизи билан ўралган. Майдони — 783 минг 562 квадрат километр. Аҳолиси 80 миллиондан зиёд. Пойтахти — Анқара шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 81 эл (вилоят)га бўлинади. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент — Буюк миллат мажлиси, ижро ҳокимиятини эса Вазирлар кенгаши амалга оширади.

Туркия — биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлат. 1992 йил март ойида Ўзбекистон ҳамда Туркия давлатлари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиб, шу йилнинг апрелида Тошкентда Туркия элчихонаси, 1994 йилда эса Ўзбекистоннинг Туркиядаги дипломатик ваколатхонаси иш бошлади.

Туркия Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи — Буюк миллат мажлисига 1920 йил 23 апрелда Анқара шаҳрида асос солинган. Парламент қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш каби ваколатларга эга. Қонун лойиҳаси даставвал парламент томонидан кўриб чиқилиб, Президентга юборилади. Давлат раҳбари уни ўн беш кун ичида имзолаш ёки шу муддат ичида қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш учун парламентга қайтаришга ҳақли. Депутатлар қонун лойиҳасини уни дастлабки шаклида, ҳеч бир ўзгартишларсиз қайта қабул қилса, Президент уни имзолаши шарт. Агар парламент қайтган қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритса, давлат раҳбари уни яна қайта кўриб чиқиш учун парламентга йўллаши мумкин.

Буюк миллат мажлиси сессияси ҳар йили октябрь ойининг илк кунида бошланади. Ҳар бир сессияда парламент таътили уч ой давом этиши, таътил ёки мажлислар оралиғида Президент ёки парламент талаби билан навбатдан ташқари мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Буюк миллат мажлиси президиуми депутатлар орасидан тузиладиган Спикер, унинг ўринбосарлари, котибият ва маъмурият аъзоларидан иборат. Парламент президиумига сайлов депутатлар ваколат муддати давомида икки бор ўтказилади. Биринчи даврага сайланган президиум аъзоларининг ваколат муддати икки, кейингисида эса уч йил этиб белгиланган. Спикер лавозими учун номзодлар Буюк миллат мажлиси аъзоларидан танланади. Парламент раислиги учун сайлов яширин тарзда амалга оширилади. Исмоил Қаҳрамон 2015 йилнинг 22 ноябридан Буюк миллат мажлиси спикери сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Депутатлар дахлсизлик ҳуқуқига эга. Парламент аъзолари ҳақ тўланадиган бошқа давлат лавозимларида фаолият кўрсатиши, Буюк миллат мажлиси рухсатисиз (жиноят жойида қўлга олинишни ҳисобга олмаганда) қамоққа олиниши, сўроқ қилиниши ёки судланиши мумкин эмас. Жиноят жойида ҳибсга олинган тақдирда масъул органлар зудлик билан бу ҳақда парламентга хабар бериши лозим.

Ўтган йилнинг январь ойида Туркия парламенти мамлакат Конституциясининг 18 моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳасини қабул қилди. Ушанда лойиҳани депутатларнинг 339 нафари маъқуллади ва у ўша йилнинг 10 февралида Президент томонидан имзоланди. Туркия олий сайлов кенгаши қарори билан 2017 йилнинг 16 апрелида мамлакат Конституциясининг 18 моддасига ўзгартишларни амалга ошириш масаласи юзасидан референдум ўтказилди. Конституциявий референдумда сайлаш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 87,2 фоизи иштирок этди. Референдум якунига кўра, сайловчиларнинг 51 фоиздан кўпроғи Конституцияга киритилган ўзгартишларни маъқуллаб овоз берди. Мазкур ўзгартишлар мамлакат Президентига янада кенг ҳуқуқ ва ваколатлар беришни назарда тутади. Жумладан, Президент қонунчилик ташаббуси ҳамда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлди. Парламент аъзолари сони 550 нафардан 600 нафарга оширилди, уларнинг ваколат муддати беш йил этиб белгиланди. Парламент депутатлигига номзод илгари суриш ёши 25 дан 18 ёшга туширилди, мамлакатда фавқулодда ҳолатни Президент жорий қиладиган, парламент эса уни тасдиқлайдиган, парламент ҳамда президентлик сайловлари энди ҳар беш йилда ва битта санада ўтказиладиган бўлди. Навбатдаги парламент ҳамда Президентлик сайлови 2019 йилнинг 3 ноябрида ўтказилиши белгиланди. Ана шундан сўнг Конституцияга киритилган ўзгартишлар кучга киради.

Мамлакатда сўнгги парламент сайлови 2015 йилнинг 1 ноябрида ўтказилди. Унда "Адолат ва тараққиёт" партияси 317 мандатни қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Республика халқ партияси 134, Халқ демократияси партияси эса 59 мандатга эга бўлди.

Парламентда энг кўп вакилига эга консерватив йўналишдаги "Адолат ва тараққиёт" партияси 2001 йилнинг 14 августида ташкил этилган. Партияга 2001-2014 йилларда мамлакатнинг амалдаги Президенти Режеп Таййип Эрдўғон, 2014 йилнинг 27 августидан бошлаб эса Аҳмад Довудўғли раҳбарлик қилиб келмоқда.

2002 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган парламент сайловида партия номзодлари сайловчиларнинг 34,5 фоиз овозини олган бўлса, 2007 йилги парламент сайловида сайловчиларнинг 46,58 фоизи, 2011 йилги сайловларда эса деярли 50 фоизи партия номзодларини қўллаб-қувватлаб овоз берди.

"Адолат ва тараққиёт" партиясининг асосий мақсади Туркияни энг ривожланган ўнта мамлакат сафидан ўрин олишига эришиш, ялпи ички маҳсулотни жон бошича 25 минг долларгача, мамлакат экспорт ҳажмини 500 миллиард долларга ошириш, ишсизликни беш фоизгача туширишдан иборат. Партия, шунингдек, университетлар сонини 200 тагача кўпайтириш, мактабларда болаларнинг давоматини максимал даражага кўтариш, мажбурий ўрта таълим муддатини 8 йилдан 12 йилга ошириш каби вазифалар билан чиққан. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот масаласи, соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, суд тизими, фуқаролик институтларини, сиёсий партияларни ислоҳ этишни ҳам ўз олдига мақсад қилган.

— Ўзбек ва турк халқларини асрлар давомида шаклланган анъаналар, урф-одатлардаги ўхшашликлар, умумий қадриятлар боғлаб туради, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Акмал Умрзоқов. — Халқлар ўртасидаги бундай яқинлик икки давлат муносабатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу борада 1996 йилда имзоланган Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, фан-таълим, туризм, транспорт, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда ҳам узвий ҳамкорлик ўрнатилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 25-26 октябрь кунлари Туркияга амалга оширган давлат ташрифи доирасида мамлакат парламенти — Буюк миллат мажлисида ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари Буюк миллат мажлиси биноси ва фаолияти билан танишди, парламент Спикери Исмоил Қаҳрамон билан учрашди. Бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда парламентлараро ҳамкорликни ташрифлар алмашинуви ва қўшма тадбирлар ўтказиш орқали қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди. Мулоқотда мазкур йўналишдаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Мазкур меморандум доирасида бугунги кунда Олий Мажлис ҳамда Буюк миллат мажлиси ўртасида парламентлараро дўстлик гуруҳи ташкил этилди. Ўйлайманки, мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик қонун ижодкорлиги борасида ўзаро тажриба алмашиш билан бир қаторда, халқ дипломатияси имкониятларидан янада самарали фойдаланишга замин яратади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Рангин дунё

ҚОЯЛАР БАҒРИДАГИ ТАМАДДУН

Меса-Верде АҚШнинг Колорадо штатининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, мамлакатдаги энг машҳур миллий хиёбонлардан саналади. Миллий хиёбон ўзи жойлашган баландлиги қарийб 600 метр келадиган ясси тоғлик номи билан аталади. У VI-XIII асрларда ҳиндулар томонидан қояларда бунёд этилган турар жой бинолари харобалари негизида, уларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Майдони 211 квадрат километр бўлган хиёбонда ҳиндулар истиқомат қилган жами 600 уйнинг харобалари жойлашган.

Қадимшунослар ҳиндулар мазкур ҳудудга неолит даврида келиб ўрнашган, деган тахминни илгари суради. Улар Меса-Верде тоғининг қояларида уйлар қуриб, яшашган. Меса-Верде эрамизнинг VII аср охирларидан бошлаб тараққий эта бошлаган. Ҳиндулар мазкур ҳудудда маккажўхори, қовоқ, дуккакли экинлар экиб тирикчилик ўтказган. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ишларда астрономик билимларга таянган. Шунга қарамай, ҳиндулар фақат тошдан ясалган меҳнат қуролларидан фойдаланган, холос. Меса-Верде тараққий этган пайтларда бу ерда мингтача одам истиқомат қилган, деган қараш мавжуд.

Аммо улар нега бу қадар баландликда уй-жой қуриб яшагани ҳақида ҳозирча аниқ тарихий далил йўқ. Ваҳоланки, улар асосан деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобига кун кўрган. Ҳар сафар бундай баландликдан пастга тушиш, яна қўлда деҳқончилик маҳсулотлари, овланган жониворлар, уйлар қуриш учун тошларни кўтариб чиқиш осон бўлмаган. Баъзи қадимшунослар ҳиндулар бошқа қабилалардан ҳимояланиш, кўзга ташланмаслик учун шундай қилишга мажбур бўлган, деган тахминни илгари суради. Айрим олимларнинг фикрича, улар турли табиат ҳодисаларидан муҳофазаланиш мақсадида юқорида яшашни афзал кўрган. Ҳиндуларнинг уй қуриш учун шунча баландликка йирик тош бўлакларини қандай олиб чиққани кишини ҳанузгача ажаблантиради.

XIII асрдан бошлаб ҳиндулар бу уйларни тарк этиб, жануброққа — ҳозирги Нью-Мексико ҳамда Аризона штатлари ҳудудига кўчиб ўтган. Аср охирига келиб, бугун Меса-Верде хиёбони жойлашган ҳудуд қаровсиз қолиб кетади. Бироқ ҳиндуларнинг бу ерни нима сабабдан тарк этгани ҳозирча маълум эмас. Тахминларга кўра, қўшни қабилалар ҳужуми уларни шундай қилишга мажбур қилган бўлиши мумкин.

XVIII асрда бу ерга илк бор қадам қўйган испанлар уни "Меса- Верде" деб номлаган. Бу испан тилида "яшил стол" деган маънони англатади. Унинг бундай аталиши бежиз эмас. Боиси хиёбон ҳудуди қалин ўрмон билан қопланган. Бироқ улар тошдан қурилган уйларни пайқамаган ва унинг яқинига ҳам етиб бормаган. Натижада у яна юз йилдан зиёдроқ вақт давомида номаълумлигича қолади. Ҳиндулар қурган уйларга биринчи бўлиб 1888 йилда чорвасини қидириб чиққан маҳаллий фермерлар тасодифан дуч келган. Улар қор остида қолган уйларнинг деворларини кўриб қолади ва уни ўрганишга киришади. Натижада уй ҳужраларидан ўша даврга оид қадимий иш қуроллари ҳамда сопол буюмлар топилган.

XIX асрнинг 90-йилларида финляндиялик минеролог, кимёгар ҳамда тоғ муҳандиси Густав Норденшельд Меса-Верде хиёбонини илк бор илмий асосда ўрганади. Хиёбондан топилган қадимий буюмлар бугунги кунда Финляндия миллий музейида сақланади. Олим тадқиқотларининг матбуотда эълон қилиниши Меса-Верденинг дунёга танилишига сабаб бўлиш билан бир қаторда АҚШ ҳукуматини мазкур тарихий обидани муҳофаза қилишга ундади. Америка тарихини ўзида намоён этувчи мазкур қадимий обидаларни муҳофаза қилиш мақсадида 1906 йилда АҚШ Президенти Теодор Рузвельт ташаббуси билан Меса-Верде миллий хиёбони ташкил этилди.

Меса-Вердедаги иншоотлар аниқ меъморий ечимга эга бўлмай, асосан, ҳудуднинг рельефи ва жойлашувига қараб бунёд этилган. Уйни қуриш учун асосан тош, қумтош, ёғоч тўсинлар, оҳакли аралашмадан фойдаланилган. Бугунги кунда ушбу уйларнинг харобаларида одамлар, ҳайвонлар, нақшлар тасвири туширилган фрескалар сақланиб қолган. Бу ердаги энг йирик ва машҳур иншоот — "Клифф Палас" (Cliff Palace), деб аталади. У 150 ҳужрали, унда қарийб 100 киши истиқомат қилган. Уй бу ердаги энг муҳим ижтимоий ва маъмурий иншоот бўлган.

"Спрус Три Хаус" деб номланган уй эса 130 ҳужрадан иборат. Маросимлар ўтказишга мўлжалланган, ҳамда 8 ҳужрага эга, 66 метрли қоянинг табиий ўйиқ жойида бунёд этилган бу уй тахминан 60-80 киши учун қўналға вазифасини бажарган.

"Балкони Хаус" — хиёбондаги етиб бориш қийин бўлган иншоот ҳисобланади. Чунки у 180 метр баландликда жойлашган бўлиб, 40 ҳужрали, унга ёғочдан ишланган зинапоя, қоронғу туннель, сўнгра тошли зина ёрдамида кўтарилиш мумкин.

1978 йилда Меса-Верде миллий хиёбони ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Уни томоша қилиш учун ҳар йили қарийб 700 минг сайёҳ келади.

Ш. ВОҲИДОВ

МОСКВА ҚАЛИН ҚОР ОҒУШИДА

Айни вақтда Россия пойтахти Москва шаҳрида кучли қор бўронлари кузатилмоқда. Шаҳарда қорнинг қалинлиги 40 сантиметрдан ошган. Бу ҳақда "mir24.tv" хабар тарқатган.

Россия Гидрометмаркази якшанба куни Москвадаги об-ҳаво шароитининг хавфлилик даражасини "сариқ ранг"дан "зарғалдоқранг" даражасига кўтарди.

Ноқулай об-ҳаво туфайли ўнлаб авиарейслар бекор қилинди, кўчаларда юзлаб дарахтлар қулаган ва электр узатиш тармоқларида узилишлар кузатилган. Вазият ёмонлашуви оқибатида жабрланганлар бор, бир киши ҳалок бўлган.

Москвада Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан қор бўронлари оқибатларига қарши курашиш бўйича тезкор штаб тузилган.

ҲАЙДОВЧИСИЗ ЭЛЕКТРОБУС

Швециянинг "Ericsson" телекоммуникация компанияси мамлакат транспорт операторлари билан ҳамкорликда Стокгольмнинг жамоат йўлларида иккита ҳайдовчисиз электробусни синовдан ўтказмоқда, дейилади "hightech.fm" сайтида.

Синовдан мақсад — электробуслар реал шаҳар шароитида қандай ишлашини билишдан иборат. Электробусларнинг ҳар бири 11 йўловчини сиғдира олади, тезлиги соатига 25 километрни ташкил этади. Автобус бундай тезликда ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам ҳаракатлана олади. Электробуслар Швециянинг инновацияларни татбиқ қилиш дастури доирасида синовдан ўтказилмоқда. У олти ой давом этади.

ҚАДИМИЙ ШАҲАР ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

АҚШлик археологлар Гватемалада майя тамаддунига оид, аввал фанга номаълум бўлган 60 мингдан ортиқ иншоот изларини аниқлади, деб ёзади "arstechnica.com".

Олимларнинг фикрича, кўплаб суғориш каналлари, йўллар, қалъа ва эҳромлар қолдиқлари қадимда бу ерда йирик шаҳарлар бўлганидан далолат бермоқда. Тарихий иншоот қолдиқлари Гватемала шимоли-шарқидан топилган. Олимлар лидарлар (лазер радарлари) ёрдамида жами 2 минг квадрат километрдан зиёд ҳудудда тадқиқот ишларини олиб боришди. Олинган маълумотлар майя тамаддуни тахмин қилингандан-да кўп ва узоқроқ тарих ва аҳолига эга бўлганини тасдиқламоқда. Мутахассислар ушбу ҳудудда тахминан 10 миллион киши яшаган бўлиши мумкин, деган фикрни билдираётир. Қадимги мезоамерикада майя тамаддуни ҳозирги Мексика, Гватемала ва Гондурас ҳудудларида тахминан 3,5 минг йил давомида мавжуд бўлган. Унинг сўнгги мустақил шаҳри тахминан XVII асрнинг охирида испанлар тасарруфига ўтган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Фестиваль

"ҲИКМАТЛАР ОЛАМИ"

УШБУ НОМДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК БОР РЕСПУБЛИКА ХАТТОТЛИК ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Маълумки, араб ёзуви ислом динининг маънавий-маърифий ҳамда маданий тараққиётида асосий ўрин тутган. Ушбу ёзувнинг график асослари бир хил бўлишига қарамай ундаги ҳарфлар шакл жиҳатдан турли услубларда битилган. Ўрта асрларда, ҳали китоб чоп этиш техникаси ихтиро этилмаган вақтда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китобат қилинар эди. Шу боис, китоб кўчириш ўша даврда энг нуфузли ҳунар, ҳатто, санъат сифатида баҳоланган. Бу ҳунар эгалари хаттот ёки котиб деб аталган.

Санъаткор хаттотларнинг ёзган хатлари ҳам маъно, ҳам эстетик завқ берган. Моҳир котиб қалами билан ёзилган ҳар бир хат бебаҳо, ўлмас асар ҳисобланган. Муҳаммад бин Ҳусайн ат-Тибий, Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Хисравий, Мунис Хоразмий, Аҳмад Дониш хаттотликни санъат даражасига кўтарган. Шу боис улар қолдирган маданий меросни ўрганиш, сақлаб қолиш ва анъаналарини ривожлантириш борасида юртимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси ташаббуси билан илк бор ташкил этилган хаттотлик фестивали хаттотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халққа таништириш, ота-боболаримиз анъаналари давомчилари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда истеъдодли ёшларни рағбатлантиришга қаратилган. "Ҳикматлар олами" деб номланган I республика хаттотлик фестивали уч кун давом этди ва унда юзга яқин хаттотлар ўз ишлари билан қатнашди.

Фестивалнинг очилиш маросимида турли вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус ва элчихоналар вакиллари, Олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ўқитувчи ва талабалари, музей ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Бу фестивални ўтказиш орқали хаттотларни уюшма атрофида жамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ишлаган маҳсулотларини нафақат ички, балки ташқи бозорга экспорт қилишга кўмаклашишни мақсад қилганмиз, — дейди "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Лутфия Мирзаева. — Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан ҳунармандчиликнинг 34 йўналиши белгиланиб, улар қаторига хаттотлик ҳам киритилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги барча хаттотлар қатор имконият ва қулайликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Биринчи марта ўтказилаётган мазкур фестивалда вилоятлар ҳамда пойтахтимизда фаолият юритаётган таниқли ва тажрибали хаттотлар билан бирга ушбу соҳага эндигина кириб келаётган ёш хаттотлар ҳам қатнашмоқда. Бу, албатта, унутилиб борилаётган халқ амалий санъатининг анъанавий турларини қайта тиклаш, сақлаш ва уни келгуси авлодга борича етказишга хизмат қилади. Келгусида ушбу фестиваль доирасини янада кенгайтириш, уни халқаро фестиваль даражасига кўтаришни режалаштирганмиз.

Дарҳақиқат, шарқ халқларининг узоқ асрлик тарихида яратиб қолдирган маданий меросида хаттотлик ва китобат санъати алоҳида ўрин эгаллаган. Эски ўзбек ёзувидаги битиклардан нафақат китобларни, балки турли сўзана-ю гиламлар, бино пештоқлари, сопол ва ёғочдан ишланган буюмларни безашда ҳам фойдаланилган. Бунда уста ҳунармандлар ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик каби ҳунармандлик турларидан кенг фойдаланган.

Иштирокчилар ишларини баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида фестиваль доирасида "Энг моҳир хаттот", "Хаттотликда тасвирий санъат воситалари уйғунлиги", "Энг ёш хаттот", "Насх хати бўйича энг моҳир хаттот", "Настаълиқ хати бўйича энг моҳир хаттот", "Сулс хати бўйича энг моҳир хаттот", "Девоний хати бўйича энг моҳир хаттот", "Меъморий хаттот", "Хаттотлик китобларини яратган моҳир хаттот", "Қуръон хаттотлиги", "Тафсир кўчирган хаттот" каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга уюшманинг сертификат ва дипломлари топширилди.

Фестивалда "Энг ёш хаттот" номинацияси ғолиби бўлган Абдулазиз Салимжонов айни пайтда 14 ёшда. Ёш бўлишига қарамай, у ишлари билан кўплаб танлов ва кўргазмаларда иштирок этган, совринли ўринларни эгаллаган.

— Хаттотлик санъатини бобом — Салимжон хаттотдан ўрганганман, — дейди у. — Олти ёшимдан буён у кишининг қўл остида ушбу ҳунар билан шуғулланаман. Бугунги фестивалда куфий, сулс, насх хатларида ёзган қўлёзмаларим билан қатнашяпман. Ушбу хатларда ҳикматли сўзлар, шунингдек, буюк бобокалонларимизнинг насиҳат сўзлари ҳамда Қуръон оятларини акс эттирдим. Мақсадим — хаттотлик санъати бўйича чуқур билимга эга бўлиш, унинг ҳар бир жиҳатини синчковлик билан ўрганиш ва моҳир хаттот бўлиб етишиш. Ана шундан сўнг, халқ амалий санъатининг мазкур турини нафақат юртимиз, балки чет давлатларда ҳам кенг ёйилишига хизмат қиламан.

Фестивалнинг иккинчи ва учинчи кунида малакали хаттотлар ёш иштирокчиларга ўзларининг тажрибаларини ўргатиш мақсадида маҳорат дарсларини олиб борди. Соҳага қизиқувчи ёшлар хаттотликнинг ўзига хос жиҳатлари, ёзувларнинг хато ва камчиликлардан холи бўлишини таъминловчи унсурлар ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконига эга бўлди.

Эслатиб ўтамиз, хаттотлик ҳозирги кунда ўрта-махсус диний таълим марказлари, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент Ислом университети, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўргатилади.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Эртамиз эгалари

"ЗАМИН"ДА САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Инсон ўзи қизиқиб танлаган соҳанинг устаси бўлса, онгли ҳаёт кечириш учун зарур моддий истаклар (ризқ-насиба бутунлиги, дастурхон тўкинлиги, қулай шарт-шароит) ва маънавий эҳтиёж (покланиш, ҳаётдан мазмун ва ҳаловат топиш) уйғунлигига эришади. Истиқлол йилларида юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ана шундай эзгу мақсадларга, халқимизнинг эзгу интилишлари негизи — баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Шу боис мамлакатимизда ёшларни мактабдан ташқари таълимга кенг жалб қилиш, улар бўш вақтини мазмунли ва фойдали машғулотлар билан ўтказиши учун кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу жиҳатларни "Баркамол авлод" Республика болалар бадиий ижодиёт маркази қошидаги "Замин" болалар театр-студияси фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Театр-студия 2003 йилда фаолият бошлаган. Дастлаб бармоқ билан санарли болалардан ташкил топган театр-студия бағрида бугун юзлаб истеъдодлар камол топмоқда.

Мазкур масканга борганимизда ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Машғулотлар чоғида жажжи болакайлар, ўсмир йигит-қизларнинг ғайрати, шижоати, санъатга бўлган меҳр-муҳаббати бизни лол қолдирди. Бир-биридан ўзаман дейдиган истеъдодларни кўриб ҳайрат ва ҳавасимиз янада ошди.

— Истеъдодсиз бола бўлмайди, фақат улар истеъдодини юзага чиқаришда имконият яратишимиз керак, — дейди "Замин" болалар театр-студияси раҳбари Комил Ҳасанов. — Театр-студиямиз иқтидорларни юзага чиқариш, нутқ маданиятини шакллантириш, фикрлаш қобилиятини кенгайтириш, уларни етук инсонлар этиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилган. "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Дилшодали Имомалиев, Мавжуда Алимова, Зулфия номидаги

Давлат мукофоти совриндори Мамлакат Улашова, хонанда Феруза Эгамова, Жумагул Ўлмасова, Сардор Сайдуллаев каби бир қатор ёш санъаткорлар театр-студиямиздан етишиб чиққан. Бугун ўқувчиларимизнинг уларга муносиб издош бўлиб, турли оммавий тадбирлар, халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда муносиб иштирок этаётгани бизни беҳад қувонтираётир.

2017 йил театр-студия фаолиятида омадли йил бўлди. Театр жамоаси Туркиянинг Каппадокио шаҳрида ўтказилган "Yesak" номли халқаро ашула ва рақс фестивалида 1-ўринни эгаллаб қайтди. Ваҳоланки, бу фестивалда Туркия, Грузия, Болгария, Озарбайжон, Қозоғистон каби дунёнинг 18 давлатидан ташриф буюрган жамоалар ҳам бор эди. Вакилларимиз миллий либос — ял-ял ёниб турган адрас-дўппида саҳнага чиқишганида барча бирдек ўрнидан туриб, олқишлар билан кутиб олди. Айниқса, 12 ёшли Азизбек Муҳаммадумаров ижро этган "Мустаҳзод" ашуласи янграй бошлаганида томошабинлар беихтиёр сехрли оҳанг оғушига чўмди. Ва якунда бу ерда ҳозир бўлган барча оёққа қалқди, зални олқиш тутиб кетди.

— Илк қадамданоқ театр-студия жозибаси, тафти, устозлар меҳри мени улар билан қалбан яқин қилди, — дейди Азизбек Муҳаммадумаров. — Устозлар кўмаги ва эътибори билан санъатнинг заҳмати ва лаззатини англаяпман. Энг муҳими, санъатимиз, миллий рақсларимиз, мақом ашулаларимиз дунёга ўзбек халқининг ўлмас меросини намоён этаётгани бизни янада илҳомлантирмоқда.

Туркиядаги муваффақиятдан сўнг "Замин" болалар театр-студияси жорий йилда Хитойда бўлиб ўтадиган ашула ва рақс фестивалига йўлланма олди. Айни пайтда улар ушбу фестивалга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Болаларнинг шижоати баланд. Улар янада қизиқиш, меҳр билан машғулотлар олиб бормоқда. Фестивалда нафақат ўзбек миллий рақслари, балки чет эл рақсларини ҳам саҳналаштириб, ижро этишни мақсад қилишган.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ўз ўрни ва овози бор. Улар эртамиз, келажагимиз эгалари. Уларга бугун қанча рағбат кўрсатсак, эътибор берсак, келажак пойдеворимиз ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ошириб боришда миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби бир қатор устувор мақсад-вазифалар белгиланган. Партия мамлакатимизда санъатнинг аҳамияти, таъсири ва масъулиятини оширишни, ёш авлодни мусиқа санъати билан ошно тутинишини қўллаб-қувватлайди.

Бир сўз билан айтганда, "Баркамол авлод" болалар маркази бугун ўз келажагини қуриш учун йўлга чиққан ёш авлод учун интилиш ва маҳорат бешиги бўлмоқда. Бу ерда таълим-тарбия олаётган болаларнинг мурғак нигоҳларидаги қатъият, қунт, сабот, ишонч — сайқал топаётган истеъдод, чархланаётган маҳорат, кўз очаётган булоқни англатади. Танлаган соҳаси сирларининг охирига етишни истаган бу ёшларнинг ўйи сўзига, сўзи амалига, амали ўйига уйғун. Зотан, ижод завқи билан улғайган авлоднинг онгида эзгуликлар куртак ёзади, қалби бунёдкорликка эш, йўли гўзалликка туташ бўлади.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ВАРИКОЗ — БЕДАВО ЭМАС

Варикоз давоси йўқ хасталик эмас, бироқ инсон ҳаётига хавф туғдирувчи омилларга бой. Баъзиларни ҳатто ногирон қилиб қўйиши мумкин.

Ушбу хасталик, асосан, (25 ёшдан 45 ёшгача бўлган) аёллар ўртасида учрайди. Бунда уларнинг оёқ томирлари шикастланади. Эркаклар эса унга кўпинча 45 ёшдан бошлаб дучор бўлади. Касалликнинг юзага келиши, биринчи ўринда, наслий омил билан боғлиқ. Бунда туғилган боланинг бириктирувчи тўқималари жуда бўш ва кучсиз бўлади, кейинчалик организмга ўз таъсирини ўтказади. Иккинчи омил эса гормонлар алмашинувининг ўзгаришидир (кўпинча аёллар ўртасида). Сабаби, ҳомиладорликдан сақловчи препаратлар ёки бошқа контрацептик воситалар гормонларнинг ўзгаришига олиб келади. Туғруқ жараёнидаги жисмоний босим ҳам хасталикни ривожлантирувчи омил ҳисобланади. Варикоз оёқда туриб ишлайдиган касб эгаларида кўп кузатилади. Шунингдек, доимий ўтириб ишлаш, баланд пошнали пойабзал кийиш ҳам варикозни юзага келтириши мумкин. Узоқ ўтирганда оёқ тўқималари ва томирлари зўриқиб, қон айланиш тизимида ўзгаришлар пайдо бўлади. Қолаверса, оёқни чалиштириб ўтириш ҳам қон томирларининг шикастланишига олиб келади.

Варикоз хасталигига чалинган беморда қон томирлари шикастланиши оқибатида оёқ оғриши, кўкариши, тез толиқиши, узоқ юра олмаслик аломатлари кузатилади. Шунингдек, майда қон томирлари ёрилиб, катта бўлмаган тўрлар ҳосил бўла бошлайди ва улар яққол кўзга ташланади. Асосий аломатлари эса оёқларнинг ҳам тортиши, томирларнинг бўртиб чиқиши, тери остида майда қон томирларининг ёрилиши ва оғриқ билан характерланади.

Бугунги кунда хасталикка қарши турли хил дори воситалари мавжуд. Бундай беморларга энг аввало иссиқ тутувчи пайпоқлар кийиш тавсия қилинади. Иссиқ қийимлар хасталикнинг ривожланиши ва шамоллашдан асрайди. Шунингдек, уқалаш муолажалари, даволовчи гимнастика билан шуғулланиш ҳам зарар қилмайди. Чунки улар турмуш сифатини яхшилашда ёрдам беради. Шуни унутмаслик керакки, касаллик пайдо бўлганида баланд пошнали оёқ кийим кийиб юриш мумкин эмас. Пойабзалнинг баландлиги тўрт сантиметрдан ошмаслиги зарур. Оёқни бироз кўтарган ҳолатда дам олиш ҳам яхши самара беради. Бундай муолажалар туфайли хасталикнинг ривожланишини секинлаштириш ва бироз муддатга тўхтатиб туриш мумкин, холос. Чунки у буткул тузалиб кетмайди. Уни фақат жарроҳлик амалиёти билан даволаш мумкин. Лекин бу биз билган жарроҳлик амалиёти эмас. Бундай даволаш усули склеротерапия деб аталади ва у беморларнинг бутунлай тузалишига ёрдам беради. Бунда шикастланган томирлар олиб ташланмайди, балки махсус препарат ёрдамида соғлом томирлар билан боғланади. Фақат шундай даво чоралари кутилган натижа бериши мумкин. Бу, айниқса, томирлар ёрилиб, тўр ва юлдузчалар ҳосил бўлганда асқотади. Бироқ майда ва ингичка томирларни даволаш бироз машаққатли. Муолажадан сўнг оёқда ҳеч қандай чандиқ қолмайди, чунки бу ҳолатда очиқ жарроҳлик амалиёти қўлланилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

● Туркиялик Султон Кёсен исмли фермер дунёдаги энг баланд бўйли одам сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган. Унинг бўйи 2 метр 51 сантиметр.

ТУРФА ОЛАМ

ЎЗИ ЮРАДИГАН ШИППАК

Японияннинг "Nissan" компанияси меҳмонхоналарда кийиш учун мўлжалланган ва бошқа оёқ кийимларнинг ёнига ўзи жойлаша оладиган шиппакни ихтиро қилди. Бу ҳақда "mir24.tv" хабар тарқатган.

Ихтиро тақдимоти компаниянинг YouTubeдаги каналига жойлаштирилди. Ҳозирда бундай шиппаклардан Японияннинг Хаконе шаҳарчасидаги "ProPILOT Park Ryokan" меҳмонхонасида фойдаланилмоқда.

Видеолавҳада меҳмонлар шиппакларни ўзларига қулай жойда қолдиргани, шиппак бошқа оёқ кийимлари турган жойга ўзи боргани ва уларнинг ёнига жойлашгани акс этган. Улар йўлак деворига ўрнатилган махсус тугма воситасида ҳаракатланади. Шиппакни ҳаракатлантирадиган технология ҳайдовчисиз автомобилларда қўлланилган технология билан бир хил. Келгусида мебель ҳамда ёстиқларда ҳам мазкур технологиядан фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 216, Адади — 10024. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.15. Топширилди — 00.50.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56